АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ва ҚОНУН

2002 йил 26 МАРТ сешанба № 12 (268) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 март куни Оқсаройда АҚШ Сенатининг Разведка бўйича қўмитаси раиси ўринбосари Ричард Шэлби раҳбарлигидаги Конгресс делегацияси аъзоларини қабул қилди.

— Сизни ва ҳамкасбларингизни Ўзбекистонда қаршилаш бизга мамнуният бахш этади, — деди Ислом Каримов учрашувда. — Ташрифингиз ўзаро муносабатларимиз тобора ривожланаётганини яна бир бор тасдиқловчи воқеадир.

Мамлакатимиз раҳбари ўзининг яқинда АҚШга буюрган расмий ташрифи самарали кечганидан мамнуният изҳор этди. Сафар мобайнида бўлган учрашувлар АҚШда Ўзбекистон билан муносабатлар кўламини кенгайтиришга интилиш кучлилигини яна бир карра намоён этганини ва Ўзбекистон томони уммон ортидан келаётган ҳар бир делегацияга алоҳида эътибор билан қарашини таъкидлади.

Оқсаройдаги учрашувда томонлар Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация, шунингдек, Ислом Каримовнинг сафари асносида имзоланган бошқа ҳужжатлар ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини қайд этди.

Суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик, аксилтеррор операциясининг бориши, Афғонистондаги вазият, трансмиллий тахдидларга қарши туришда икки томонлама ҳамкорликка оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА)

Суратда: қабул пайти.



Жаҳонга юз тутган юрт

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз байрами тантаналари бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

Ўзбекистонда АҚШ элчихонаси очилганига 10 йил тўлди.

* * *

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти совринлари учун ўтказилган "Ташаббус-2002" кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

* * *

Шаҳрисабзда йилига 6110,3 тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга бўлган "Оқсарой тўқимачи ЛТД" Ўзбекистон-Япония-Туркия қўшма корхонасининг қурилиши ниҳоясига етаётир.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши кураш департаментида иқтисодий хавфсизликни таъминлашда прокуратура органларининг ўрни ва аҳамиятига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

* * *

Республика Киночилар уйида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Республика иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси томонидан ташкил этилган иқтидорли ўқувчи ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди.

* * *

Самарқандда хитойлик сармоядорлар билан ҳамкорликда барпо этилган "ALLA-CAM" ҳамда "Камола-Гладани" Ўзбекистон-Грузия қўшма корхоналари ишга туширилди.

* * *

Ўзбекистон Каратэ Миллий Федерацияси президенти, қора белбоғ 6-ДАН соҳиби Нурхон Нафасов бошчилигидаги сортчиларимиз океан ортидан қайтиб келишди. Улар Америка Қўшма Штатларида ўтказилган "Атланта кубоги" халқаро турнири баҳсларида умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаб, 14 та медални қўлга киритишди.

Термиз — 2500 ёшда

ЯНГИЛАНГАН ТАРИХ

Ҳозир она шаҳримизнинг ўтмишдаги довруғию, мағрибдан машриққа қадар юксалган обрў-нуфузи ҳақида тўхталиб ўтирмоқчи эмасмиз. Ёнки, Искандару Чингиз ва бошқа не-не фотиҳларнинг мўру малахдек лашкарига мардонавор қарши туриб неча бор тутдек тўкилиб, қайта қад ростлаган мозий жангномалари хусусида ҳам кейинроқ бафуржа гурунглашамиз. Мурод шулким, илк истиқлол тонгидан бошлаб ҳозирга қадар амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида сўзламоқчимиз.

Дилбар ватанимизнинг қайси жойидан юртдошларимиз меҳмон бўлиб келса, бугунги Термизни кўриб кўзларига ишонмайди. Ҳаттоки, Жайҳуннинг нарёғидан саёҳат ёки тижорат юмуши билан келган қўшни афғонларнинг-да, ҳайратли нигоҳларида "Наҳотки бу ўша шўрави замонидаги қўҳна Термиз бўлса", деган саволни ўқиш мумкин.

Фахру ифтиҳордан кўксимиз осмон бўлиб баралла шундай дейман:

— Ҳа, бу ўша Сиз билган азим шаҳар бўлади. Бироқ Сиз айтган, таърифлагандек, шўро замонидаги қўҳна, хору абгор Термиз эмас, балки истиқлол яшартирган, янги қиёфадаги қадим Термиздир!

Ҳа, бугунги Термизни олдинги ўн йил илгарига Термиз билан қиёслаб бўлмайди. Дарҳақиқат сўнгги ўн йилда бунёд этилган бир-биридан гўзал иморатлар, халқимиз учун муҳим иншоотларни таърифлашга кўп фурсат зарур. Янги темир йўл вокзали, вилоят ҳокимлиги биноси ва маъмурий бино. Тадбиркорлар маркази, Марказий Осиёда ягона муҳташам ва бетаккор меъморчилик намунаси бўлган вилоят ўлкашунослик музейи, қайтадан янги қиёфада юз очган бобокалонларимиз Ҳазрат Навоий, Бобур номлари билан аталгувчи хиёбонлар, "Болажон" хиёбони, ҳайвонот боғи, вилоят 1-сон касалхонаси ҳудудида қурилган маъмурий ва бир неча даволаш бўлимлари жойлашган уч қаватли иморат, бебаҳо тарихий обидалар бўлмиш Ҳаким ат Термизий, Султон Саодат, Кирққиз, Кокилдор ота зиёратгоҳлари, жаҳон андозалари асосида қурилган очиқ ва ёпиқ теннис кортлари, "Алпомиш" хиёбони, чўмилиш ҳавзаси, қайтадан қурилган ва бунёд этилган коллежлару лецейлар... Деҳқонлар, ҳунарманд ва тадбиркорларга ўз маҳсулотлари сақлаш, сотиш учун барча шарт-шароитларга эга бўлган марказий бозор... Булардан ташқари, сармоядор, ишбилармон ҳамюртларимиз томонидан бунёд этилган маиший хизмат уйлари, ўнлаб ресторанлару кичик корхоналар ҳам шаҳримиз чиройига чирой қўшиб турибди. Ўтган йилнинг поёнида тағин бир хайрли ишга қўл урилди. Ўзбекистон миллий кураш академияси ташкил этилиб, унинг дастлабки мактаб базаси Термизда очиладиган бўлди. Ана шу мақсадда 1998-99 йилларда 320 миллион сўмлик лойиҳа асосида қурилган ёпиқ шаклдаги теннис мажмуи ўзбек кураши академияси учун ажратилди. Унинг ичида машғулотлар учун бир нечта татами ўрнатилиб, жиҳозланмоқда. Истиқлолга қадар бошу адоғи чалкаш атиги учтагина ўнқир-чўнқир кўчалари бўлган шаҳримизда ўнлаб гулларга бурканган янги кўчалар барпо этилди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги Термиз дунё ҳавас қилса арзийдиган дилбар шаҳарга айланди. Бу ўзгаришларнинг бари истиқлолнинг эркинлик сиёсати, Президентимизнинг ташаббуси туфайли амалга ошаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Жонажон Термизимизнинг 25 асрли тўйи бошланмоқда. Тўй тўйларга улансин, дея эзгу ният қилган ҳолда Юртбошимизнинг **«Термиз мамлакатимизнинг хорижга чиқадиган жанубий дарвозасига айланади»**, деган башорати рўёбга чиқаётганини мамнуният билан таъкидлашни лозим топдик.

Жўра ШОЙҚУЛОВ,
Термиз шаҳри

Адлия тизими

АНДИЖОН

2001 йил давомида вилоят туман ва шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари томонидан 44 минг 061 та туғилиш, 14 минг 267 та никоҳ, 493 та никоҳни бекор қилиш, 11 минг 33 та ўлим, 5 минг 574 та оталикни белгилаш, 240 та фарзандликка олиш, 185 та насаб, исм ва отасини исмини алмаштириш, 65 та далолатнома ёзувларини тиклаш ва 1219 та далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш, кўшимча қилиш ҳаракатлари бажарилган.

Бажарилган ишлар учун фуқаролардан давлат фойдасига 15 миллион 766 минг 126 сўм давлат божи, 10 миллион 184 минг 451 сўм герб йиғими ундирилди. Шу билан бирга фуқаларга 17 миллион 69 минг 982 сўмлик пуллик ҳуқуқий хизмат кўрсатилди.

Вилоятдаги шаҳар ва туман давлат нотариал идораларида 67778 та нотариал ҳаракатлар амалга оширилди. Жами 308 миллион 523 минг 933 сўм давлат божи ундирилган. Аҳолига 4 миллион 293 минг 700 сўмлик пуллик хизмат кўрсатилган.

ФАРҒОНА

Қува туманидаги "Иброҳимжон ҳожи ота" фермер хўжалигига 2000 йил 2 майдаги туман ҳокимининг 303-сонли қарори билан 20 гектар ер ажратиладиган бўлди. Бироқ 2000 йилнинг 15 октябрида фермер хўжалиги учун 9 гектар ер берилди, холос. Қолган 11 гектар ерга "хўжайинлик"ни "Дўстлик" ширкат хўжалиги ўз қўлида сақлаб қолди.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 июлдаги 300-сонли қарори билан тасдиқланган фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатли ижарага бериш Тартибида фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори чиққандан сўнг 20 кун ичида ижара шартномаси тузилиб, ер участкаси жойида кўрсатилиб, далолатнома асосида фермер хўжалиги бошлиғига фойдаланиш учун топширилиши лозим. Лекин амалда бундай бўлмади.

"Иброҳимжон ҳожи ота" фермер хўжалигининг бошлиғи Аҳмаджон Жалилов бу масалани ҳал этиш мақсадида "Дўстлик" ширкат хўжалиги раиси Аҳмаджон Шайдуллаевга бир неча марта оғзаки, ёзма равишда мурожаат этиб кўрди. Бироқ раис фермер хўжалиги раҳбарининг арзу додига парво қилмади. Чунки фермер хўжалигига қарашли 11 гектарли ер ширкат хўжалиги 8 бригада бошлиғи Ўктамжон Умрзоқов, ҳисобчи Нурали Ҳасанов ва яна 37 киши томонидан ўзаро бўлиб олиниб, шоли экилган эди.

Ўз ерига эгаликни қўлига кирита олмаган фермер Қува тумани ҳокимлиги, туман прокуратураси, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига, ҳатто туман давлат солиқ инспекциясига ёзма равишда мурожаат этишга мажбур бўлади. Юқорида номлари зикр этилган туманнинг нуфузли ташкилот раҳбарлари бу жанжалли масалага бош қўшишмайди. Натижада "Иброҳимжон ҳожи ота" фермер хўжалигининг бошлиғи Аҳмаджон Жалилов катта миқдорда моддий ва маънавий зарар кўради.

Вилоят адлия бошқармаси "Иброҳимжон ҳожи ота" фермер хўжалигини манфаатини кўзлаб, Фарғона туманлараро фуқаролик судига даъво аризасини киритди.

Ҳақиқатдан ҳам, "Дўстлик" ширкат хўжалиги "Иброҳимжон ҳожи ота" фермер хўжалиги билан 2000 йил 13 апрел куни "Ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш" ҳақида шартномасини тузишган. Туман ер ресурслари хизмати бўлими бошлиғи Ҳабибулло Эргашев ва ширкат хўжалиги ер тузувчиси Х.Зокиров, фермер хўжалиги раҳбари Аҳмаджон Жалилов иштирокида 2000 йил 19 июн кунги далолатнома тузилади. Бу ҳужжат қонуний расмийлаштирилади. Ҳужжатга асосан 20 гектарли ер тўлиқ фермер хўжалиги ихтиёрига ўтади. Бироқ юқорида таъкидланганидек, "Дўстлик" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Аҳмаджон Шайдуллаевнинг тўсқинлиги ва туман ер ресурслари хизмати бўлими бошлиғи Ҳабибулло Эргашевнинг ишдаги масъулиятсизлиги оқибатида фермер хўжалиги мустақил равишда иш юрита олмай қолади.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўралган Ўктамжон Умрзоқов ширкат хўжалигининг 8 бригадасида бригадир бўлиб ишлашини таъкидлар экан, шундай дейди: — 11 гектарлик ерни ҳақиқатдан ҳам, фермер хўжалиги ихтиёрига ўтганлигини биламан. Лекин ширкат хўжалиги аъзолари ўша ерни ҳайдатиб, шоли экиб олдик. Етиштирилган ҳосилнинг 50 фоизини ўзимизга олдик, 50 фоизини эса ширкат хўжалиги ихтиёрига топширдик.

— Ширкат хўжалиги аъзолари "ерни А.Жалиловга бермаймиз" деб уни ҳайдаб юборишди, — дейди 8-бригада ҳисобчиси Нурали Ҳасанов. — Кўпчилик буғдой, пахтадан яхши даромад ололмади. Ҳаммага ҳам тирикчилик керак. Буғдой ўрнига иккинчи экин сифатида шоли экилди, ҳамма меҳнатига яраша даромад олди.

Хуллас, "Иброҳимжон ҳожи ота" фермер хўжалигига қарашли 11 гектарли майдонга 37 киши шоли экиб олинганлиги аниқланди. Улар орасида фермер хўжалигининг раҳбари А.Жалиловнинг 2 ўғли ва келини ҳам 45 сотих ерга шоли экиб олган экан.

Суд А.Жалилов олган ҳосилини бозорда сотиши мумкинлигини инобатга олди. Қува туман деҳқон бозорининг 2001 йил 30 июл кунидаги 238-сонли маълумотномасига асосан 1 килограмм шолининг нархини 220-230 сўм эканлиги таъкидланди. Етиштирилган 17532 килограмм шолининг ярми, яъни "Дўстлик" ширкат хўжалиги ихтиёрида қолган 8766 килограмми ўртача давлат баҳосида ҳар бир килосини 250 сўмдан белгилади.

Фарғона туманлараро фуқаролик суди томонларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб, ҳал қилувчи қарор қабул қилди.

Жавобгар "Дўстлик" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Аҳмаджон Шайдуллаев даъвогар Аҳмаджон Жалилов фойдасига 2191500 сўм моддий ва 50 минг сўм маънавий зарарни тўлайдиган бўлди. Шунингдек, раис давлат фойдасига 439300 сўм давлат божини ҳам ўз ҳисобидан ўтказади.

Шу сонга хабар

ҲАҚИҚАТ ҚАРОР ТОПДИ

Денов туман ҳокимлигининг қарори билан Ш.Қобилов номидаги ширкат хўжалигига қарашли қорамолчилик фермаси 8-Март номли ижара корхонасига айлантирилган эди. Тузилган шартномага мувофиқ унга 50 гектар экин экиладиган ер майдонини ажратиш ҳамда ғалладан бўшаган 150 гектар ер майдонини такрорий макка экиш учун бериш кўзда тутилди. Шу тариқа ижара корхонаси бошлиғи Жўракул Меликулов ширкат хўжалигига қарашли 377 бош қорамол ва фермердаги барча мавжуд техник воситаларни қабул қилиб олди. Шунингдек, ширкат хўжалиги билан корхона ўртасида озуқа ва экин майдонларини беш йил муддат билан ижарага бериш тўғрисидаги битим ҳам имзоланди. Унда ширкат хўжалиги ҳар йили ижара корхонасига 700 тонна сомон, 2000 тонна силос етиштириб бериш мажбуриятини олгани кўрсатилган эди. Аммо ширкат хўжалиги шу кунгача ўзаро тузилган шартнома талабларини тўлиқ бажармасдан, уни четлаб ўтиш пайида бўлди. Яъни, ширкат хўжалиги ижара корхонасига 679 тонна ёки 726.530 сўмлик сомон, 1983 тонна ёки 3331440 сўмлик силосни етиштириб бермади. Устига-устак, беш йил муддатга ижарага берилган 100 гектарлик емхашак майдони, шундан экиладиган 50 гектарлик беда майдони ажратиш хусусидаги шартнома талаблари ҳам ширкат хўжалиги томонидан асоссиз равишда бажарилмади.

2001 йил 16 апрел куни ширкат хўжалиги бошқаруви йиғилиш ўтказиб, хўжалик таъсисчилигида ташкил этилган ижара корхонасининг иш юргизиш фаолиятини қониқарсиз деб топади ва корхона раҳбари Ж.Меликуловни асоссиз равишда раҳбарлик вазифасидан озод этади. Шу тариқа ижара корхонаси ширкат хўжалиги бошқаруви қарорига кўра тугатилиб, барча мавжуд чорва моллар ва техник воситалари билан ширкат хўжалиги ихтиёрига ўтказиш тўғрисида туман ҳокимиятидан янги қарор тасдиғи сўралади.

Очиғи, масаланинг бу қадар жиддий тус олишининг бир қанча сабаблари бор. Уларнинг вужудга келишида ширкат хўжалиги ҳам айбдор. Чунки ширкат хўжалиги айби билан корхонага 300 бош қорамолни боқиш учун шартномада кўрсатилган ер майдони ажратилмаган 679 тонна сомон ва 1983 тонна силос етказиб берилмаган. Жўракул Меликулов тадбиркорлиги туфайли хўжаликни оғир аҳволдан қутқазиб қолди. Яъни, у корхонадаги 55 бош қорамолни сотиб, унинг пулига озуқа харид қилган. Бу тадбир фермадаги қорамолларни қирилиб кетишдан сақлаб қолган. Бундан ташқари қонун шартларига кўра, ижара корхонасини фаолиятини тўхтатиш ва ундаги мавжуд чорва молларни хўжалик ихтиёрига қайтариб олиш масаласида энг аввал тегишли суд органларига мурожаат қилиниши лозим эди. Ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Х.Хушматов ва унинг муовини Б.Маматалиевлар амалдаги қонунларга зид равишда иш тутишган. Бу эса ижара корхонаси раҳбари Ж.Меликуловнинг иш фаолиятга тўсқинлик қилиб, унга моддий ва маънавий зарар етказган. Натижада корхона раҳбари турли жойларга ариза ва шикоятлар билан ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклашга ёрдам сўраб мурожаат этган. Яқинда вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтказилган текширувда барча ноқонуний ҳаракатларга чек қўйилди. Ширкат хўжалиги бошқарув раиси ва унинг муовини ижара корхонаси раҳбари Ж.Меликуловга маънавий зарар учун юз минг сўм миқдорида жарима тўлашди. Шунингдек, ширкат хўжалиги томонидан ўзбошимчалик билан чиқарган қарорлар бекор қилинди. Чорва озуқаларини етказиб беришдаги ўзаро шартнома талаблари тўлиқ бажарилмагани учун ширкат хўжалиги 8-Март ижара корхонасига 4.057.970 сўм миқдорида жарима тўлашга ҳам мажбур бўлди.

Шундай қилиб, ноқонуний қарор амалга ошмади. Лекин шунинг ўзига ҳам осонлик билан эришилмади. Қанчадан-қанча қоғозга битилган ариза-ю шикоят ва оворагарчилик эвазига бундай қонунбузарлик ва асаббузарликнинг олди олинди.

Ўз мухбиримиз

Мулоҳаза, муносабат, мунозара

СУВ ҚАДРИ, ЭЛ ҚАДРИ, ЕР ҚАДРИ

Кейинги йилларда қурғоқчилик ва сув танқислиги мамлакатимиз ҳаётида жиддий таъсир кўрсатгани сир эмас. Мисол учун айтадиган бўлсак, Қорақалпоғистоннинг бир қатор туманларида деҳқонлар пахта ва шолидан кутган ҳосилни олишолмади. Ҳатто баъзи жойларда ичимлик суви ҳам муаммога айланди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ер ости сувларидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилди. Аммо ер ости сувларининг тобора пасайиб бориши қудуқларни йил сайин янгидан қазишни талаб этмоқда.

Хўш, бу муаммонинг бартараф этишнинг қандай оқилона йўллари бор?

Қуйида ана шу ҳақида фикр-мулоҳаза юритамиз.

ТАРИХ НИМА ДЕЙДИ?

"Нимани эксанг, ўшани ўрасан", — дейди тарих. Албатта, Орол ҳавзасидаги сув муаммоси бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Минг йиллардан буён зиён кўрмай оқиб ётган Амударё ва Сирдарёга кечаги шўро тузуми даврида ўнлаб мустамлакачилик тўғонлари қурилди, "табиатни буйсундирамиз" деган ғайритабиий шиор остида янги ерлар ўзлаштирилди. XX аср бошида Марказий Осиёда суғориладиган экин майдони 3 миллион гектарга етмаган бўлса, етмиш йилнинг ичида у икки ярим баробар кўпайди. Машъум сиёсат таъсирида ерни, табиатни кўр-кўрона зўрлаш оқибатида Орол денгизи тўртдан бир қисмга қисқарди. Мана, бир неча йилдирки, икки дарё ҳам Оролга бир томчи сув бераётгани йўқ. Тарихга назар солсак, 1882 йили А.Воейков деган олим Оролга оқаётган дарёларнинг қуйи ва ўрта оқимидан пастдаги ерларнинг ўзлаштирилмагани маҳаллий аҳолининг қолоқлигини билдиради, деб ёзган. Ана шундай муносабат кейинчалик "Орол шарт эмас", "Орол табиат хатосидир" деган ғайриинсоний шиорларнинг юзага келишига асос бўлиб, мустамлакачилик даврининг сиёсатига айланди. Охир-оқибатда эса ана шундай машъум сиёсат натижасида табиат мувозанати кескин бузилди ва бизга қуриган Орол ҳамда оқмайдиган дарёлар "мерос" қолди.

(Давоми иккинчи бетда)

Мулоҳаза, муносабат, мунозара

СУВ ҚАДРИ, ЭЛ ҚАДРИ, ЕР ҚАДРИ

ПУБЛИЦИСТИКА

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Жуғрофик маълумот: Тянь-Шань ва Помир тоғларидан йилига 106,5 куб километр сув оқади, шу жумладан, Амударё — 69,5, Сирдарё эса 37 куб километр сув олади. Иқлим шароити бўйича бу дарёларнинг ўртача йиллик оқимидан табиат мувозанатини сақлаган ҳолда 30-50 фоизини фойдаланиш мумкин.

Энди шўро тузуми "сувчи"лари ҳудуддаги иттифоқдош республикаларга сувни қандай тақсимлаганига эътибор берайлик: Ўзбекистон - 50 куб.км., Туркманистон - 23 куб.км, Қозоғистон - 14 куб.км., Тожикистон - 11 куб.км., Қирғизистон - 7 куб.км. Жами 95 куб километр.

Демак, Оролга бор-йўғи 11,5 куб км. сув қолар экан. Сирдарёнинг узунлиги (Норин дарёсини қўшиб ҳисоблаганда) 2620 километр эканлигини назарда тутсак ва 11,5 куб километр сув бир йилда, яъни 365 кунда оқиб туришини эътибордан қочирмасак, Орол денгизини қуритиш ўша пайтдан мўлжаллангани аён бўлади. Бу фикрнинг яна бир яққол исботини Амударёнинг санитар оқими миқдори 4,5 куб.км қилиб белгиланганлигида ҳам кўриш мумкин. Ваҳоланки, дунё тажрибасидан шу нарса маълумки, ҳар бир дарёнинг санитар оқим миқдори камида йиллик ўртача оқимнинг 30 фоизидан кам бўлмаслиги шарт.

Албатта, Оролбўйи ҳудудларида ҳам бошқа минтақалар сингари ер ости сув заҳиралари мавжуд. Бугунги табиий шароит ана шу заҳиралардан оқилона фойдаланишни тақозо этмоқда. Қорақалпоғистон мисолида айтадиган бўлсак, қудуқларни шошма-шошарлик билан хўжакўрсинга эмас, балки чуқур бурғилаб, ер ости сувларининг 2 ва 3 зоналарига етказиб, яъни 200 ва 400 метрдан зиёд чуқурликда қазиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ер ости сувлари заҳирасининг 57,5 фоизи одатда 3-зонада тўпланади. Бундан ташқари мавжуд сувнинг ҳар бир томчисини тежаб-тергаб фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик ҳам умумий муаммони бартараф этишга хизмат қилади. Баъзан айрим кишилар пахта экамиз, деб ер олишади-ю, ўрнига шоли ёки бошқа бозорбоп экин экади. Айтайлик, 1 тонна буғдой учун 7,5 тонна, 1 гектар пахта учун 5-6 минг кубометр, 1 гектар шоли учун 15-20 минг кубометр сув керак бўлади. Демак, деҳқоннинг ерга муносабати унинг сувдан фойдаланиш маданиятига боғлиқ бўлиб чиқмоқда. Бу ўринда сувни тежаб, лекин кўп фойда олаётган хўжаликларнинг тажрибасини оммалаштириш ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Яна бир муҳим масала шундан иборатки, Амударё ва Сирдарёнинг санитар оқим миқдорини кескин кўпайтириб, дарёларнинг йиллик миқдорини камида 30 фоизини етказиш чораларини ўйлаб кўриш фурсати аллақачон етган.

Жаҳон тажрибасида ҳалигача дарё бўйича бирон давлатнинг қонуни йўқ (экологик-санитарияга оид низомлар бундан мустасно). Шундай бўлса-да, қўшни давлатлар мутасаддилари билан бирга Амударё ва Сирдарё сувларидан фойдаланиш тўғрисида қонун кучидаги битим тайёрлаш мавриди келмадимикин?

Мисол учун айтадиган бўлсак, Дунай дарёсининг тозалигини сақлаш тўғрисида у ўтадиган ҳудуд давлатлари ўртасидаги шартномада кимда-ким дарёга оқава сувларни оқизадиган бўлса, дарёнинг ўз ҳудудига кирадиган жойидан оқизиш зарурлиги қайд этилган. Шу каби битимлар қишлоқ хўжалиги тармоғини ҳам тартибга солиши шубҳасиз. Сувни сотиш кеpакми ёки бепул беришми, деган мунозаралардан ўтиб, сув қадрига етказиши мумкин бўлган чора-тадбирларни кўриб, хўжалигимизда "кўрпамизга қараб оёқ узайтирмасак" бўлмайдиган пайт келаяпти.

Бундай битим қўшни давлатлар билан ҳам тузилиши зарур. Акс ҳолда ҳар ким ўз соҳилидан хоҳлаганича канал қазиб, қумларнинг ўртасида чўмиладиган ёки балиқ асрайдиган кўллар, денгизлар барпо этиши ҳеч гап эмас. Худди шундай ҳоллар ҳам учраб турибди. Натижада икки ўртада дарё жабр кўраяпти, ўз денгизини ташлаб, бошқа денгизларга қараб кетаяпти.

Экологик номутаносибликнинг оқибати яхши бўлмаслиги азалдан маълум. Сув тақсимотидаги адолат қўшниларимиз билан муносабатимизни янада мустаҳкамлашига шубҳа йўқ.

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ТАҲРИРИЯТДАН: ***Мақолада долзарб масала — сув танқислиги муаммоси тилга олинган. Мазкур масала бўйича мутасаддилар, айниқса, халқаро сув ҳуқуқи муносабатлари бўйича мутахассисларни мунозарага даъват этамиз.***

Таажжуб!

ТУЯНИ ШАМОЛ УЧИРСА, ЭЧКИНИ ОСМОНДА КЎР!

Сарлавҳани ўқиган газетхон, ё тавба, туяни ҳам шамол учирар эканми, деб ёқа ушлаши ҳеч гап эмас. Тўғри, бу қадимдан қолган бир ривоят. Лекин унинг замирида аччиқ ҳақиқат мужассам.

Гап шундаки, Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туман прокуратураси томонидан "Ўзқишлоқхўжаликкимё" Давлат акциядорлик компаниялари тизимидаги вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" акционерлик бирлашмаси ва унинг тизимидаги корхоналарда минерал ўғитлар ва ўсимликлар кимёвий воситаларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини бу маҳсулотлар билан таъминлаш, тўлов интизоми, давлат мулкини асраш, шартнома шартларига қатъий амал қилиш борасидаги қонунлар ижроси юзасидан текшириш ўтказилганида, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қинғирликлар мавжудлиги аниқланди.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир катта-кичик раҳбар ўз қўл остида ишлайдиган ходимларни амалдаги қонунлар, корхонанинг ички тартиб-қоидаларига риоя қилиш, давлат мулкини кўз қорачиғидай асрашга даъват этиши унинг бурчига киради. Шунинг учун ҳам у раҳбар саналади. Бошқача айтганда, унинг зиммасидаги масъулият шуни тақозо этади. Лекин Бухоро вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" Давлат акционерлик бирлашмаси томонидан унинг тизимига қарашли корхоналарда давлат мулкини асрашга қаратилган тегишли чора-тадбирлар кўриш ўрнига бирлашманинг ўзида моддий бойликларни талон-тарож қилинишига йўл қўйиб келинаётганини нима билан изоҳлаш мумкин?!

Ф.Хўжаев туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши кураш бўлими ходимлари ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда бирлашмада 2002 йил 4-11 март кунлари Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 1 февралдаги "Қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан текшириш ўтказилганида, бирлашма раис ўринбосари Ражабов Бахтиёр, бош ҳисобчи Рустамов Асқар ва бошқалар хизмат мансабларини суиистеъмол қилиб, 2001 йилда хусусий тадбиркорларнинг бирлашмага хўжалик ва канцелярия товарлари олиш учун деб кўп миқдордаги пул маблағларини банкдаги ҳисоб рақамларига кўчириб беришган, улардан ҳар хил турдаги хўжалик ва канцелярия моллари ҳамда компьютер техникаси учун эҳтиёт қисмлар олинганлиги, бирлашма ҳамда унинг туманлардаги филиалларига берилганлиги тўғрисида қалбаки кирим ва чиқим ҳужжатлари тайёрлаб, катта миқдордаги мулкни талон-тарож қилишгани аниқланди. Жумладан, улар Бухоро вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" Давлат акционерлик бирлашмасининг вилоят "Пахтабанки"даги ҳисоб рақами орқали 2001 йилнинг 28 сентябрида Ф.Хўжаев туман Давлат солиқ инспекциясига бирлашманинг иш хизматчиларининг иш ҳақи ҳисобидан даромад солиғи ўтказилди, деб 200 минг сўм пул маблағи кўчиришган ва банк ҳужжатида "п/налог" деб ёзишган. Аммо бу бошланғич ҳужжат (выписка) остида тўлов топшириқномаси мавжуд эмаслиги, харажатга чиқарилган 200 минг сўмлик пул маблағи бирлашма ҳисоботхона ҳужжатларида даромад солиғига кўчирилди деб кўрсатилган бўлсада, Бухоро шаҳридаги "Нико" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти билан вақти кўрсатилмаган 5-сон тўлов талабномаси (инкасса) орқали 2001 йил 10 сентябрда тузилган солиштирма далолатномага асосан кредиторлик қарзи учун ўтказилган. Бироқ текшириш давомида бирлашма ҳисоботхонаси ҳужжатларида "Нико" жамияти билан муомалада бўлингани, уни ҳақиқатдан ҳам, кредитор қарзи мавжуд эканлигини тасдиқлайдиган бирон-бир ҳужжат йўқлиги, шунингдек, бирлашма бош ҳисобчиси Рустамов Акбар ушбу ноқонуний ўтказилган 200 минг сўм пулни "Нико" ҳиссадорлик жамиятидан нақд пул шаклида олиб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ўзлаштирилгани аниқланди. Текшириш жараёнида А.Рустамов бирлашмага етказилган 200 минг сўм моддий зарарни 2002 йил 11 мартидаги бирлашма хазинасига тавба-тазарру билан тўлади.

Бундан ташқари Б.Ражабов, А.Рустамовлар бирлашма билан Бухоро шаҳридаги "Раҳмонова М" ҳамда "Ҳалимов А.Ж." хусусий ва бошқа тадбиркорлар ўртасида ҳам турли хўжалик ва канцелярия моллари ҳамда компьютер техникаси эҳтиёт қисмлари учун уларнинг банклардаги ҳисоб рақамларига мутаносиб равишда 400 минг ва 600 минг сўм пул маблағларини кўчириб беришган. Сўнг улардан шунча миқдорда товар олинганлиги ва улар бирлашма ҳамда унинг Ғиждувон, Олот, Қоракўл туман бўлимларига берилганлиги тўғрисида қалбаки кирим ва чиқим ҳужжатларини расмийлаштиришган. Амалда эса бу қалбаки ҳужжатларда кўрсатилган товарларни нақд пулга айлантириб, ҳиссадорлик жамияти мулкини ўзлаштиришган. Шуниси ҳайратланарлики, шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатиб келган "Раҳмонова М" ҳамда "Ҳалимов А.Ж." хусусий корхонаси ҳам буларнинг жиноятқорона хатти-ҳаракатларига кенг йўл очиб беришган. Бошқача айтганда, улар шамол учирса буларни учиради-да, бизларга нима, қабилида йўл тутиб, жиноятга шерик бўлишган.

Хусусан, "Раҳмонова М" хусусий корхонаси билан 2001 йил 5 августдаги 18-сонли шартнома асосида канцелярия ва хўжалик товарлари учун деб 600 минг сўм, 2001 йил 6 августдаги 86-сонли тўлов талабномаси, 2001 йил 25 августдаги 25-сонли ҳисоб-варақ фактура орқали 3 комплект, ҳар бири 120 минг сўмлик, жами 360 минг сўмлик "катридж от принтера", 60 минг сўмлик "стол одна тумба" ва канцелярия товарлари, ҳаммаси бўлиб 600 минг сўмлик товар расмийлаштирилган.

Юқоридаги ҳисоб-варақа фактурасидаги 3 комплект "катридж от принтера"нинг 1 комплекти бирлашманинг Олот тумани бўлимининг 2001 йил 1 октябрдаги 420/1 сонли ишонч қоғози ва 120 минг сўмлик компьютер эҳтиёт қисмлари берилди, деб октябр ойи билан 8-сонли ҳисоб варақ фактура расмийлаштирилиб, филиал бош ҳисобчиси Бобоев Эргаш томонидан имзоланган. Бу ҳолат бўйича Бобоев Эргашдан тушунтириш хати олиниб сўралганда, у Олот туманида лазерли принтер йўқлиги, 1 комплект катриджни олмаганлиги, бўлимда лазерли принтер умуман мавжуд эмаслигини билдирган.

Юқорида номлари кўрсатилган мансабдор шахсларнинг ҳаракатларида ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми "а", "в", "г" бандлари ҳамда 209-моддаси 2-қисми "а" бандида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжуд эканлигини назарда тутиб, 2002 йилнинг 12 мартида туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши кураш бўлими томонидан жиноят иши қўзғатилиб, терговҳаракатлари олиб борилмоқда.

2002 йил 4 мартда туман ҳудудидаги "Соҳибкор" номли ширкат хўжалигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 февралдаги Р-1520 сонли Фармойиши талабларидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 1 февралдаги "Қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижроси юзасидан текшириш ўтказилганида, ширкат хўжалигининг минерал ўғитлар омбор мудири Амин Ҳомитов моддий жавобгарлигида бўлган 162 кг "аммофос" минерал ўғитни талон-тарож қилганлиги аниқланди.

Бундан ташқари Хомитов Амин хизмат вазифасидан фойдаланиб, кейинчалик ўзлаштириб юбориш ниятида ширкат хўжалигининг 3 бригадаси бошлиғи Сафар Шариповга 2002 йилнинг 4 мартидаги 87-сонли юк хати билан 2800 кг аммиакли селитра минерал ўғити берган. Аммо ўғит қайта ўлчалганда, омбор мудири 300 кг уриб қолгани маълум бўлди.

Ушбу ҳолат юзасидан 2002 йилнинг 5 мартида "Соҳибкор" ширкат хўжалиги омборида мутахассислари иштирокида саноқ (инвентаризация) ўтказилганида, 4150 кг, 124.50 сўмлик аммиак селитраси минерал ўғитидан камомад борлиги, шунингдек, 620 кг (77.500 сўм) ортиқча аммофос минерал ўғити мавжудлиги аниқлади. Тўғри, айбдорга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилиб, етказилган зарарни ундириш чоралари кўрилмоқда. Аммо ширкат хўжалиги раҳбарлари бу ҳолга томошабин бўлиб туришганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бундан ташқари вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий тадқиқотлар маркази маъмуриятининг 2001 йил 12 мартдаги 9-сонли буйруғига биноан тадқиқотлар марказига қарашли Ғиждувон туманидаги Ибн Сино номидаги жамоа хўжалиги 4-бригадаси ҳудудида жойлашган маъмурий биноси томорқа сифатида фойдаланиш учун станция ходими Г. Юсуповага туман бинолар, иншоотлар ва ер кадастри бошқармаси томонидан баҳоланиб, 286188 сўмга сотиб юборилган. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 11 августдаги 402-сонли қарорининг 5-бандида, давлат корхоналарини хусусийлаштириш фақатгина вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармалари рухсати билан амалга оширилиши лозимлиги қайд этилган. Қонун талабларини оддий хизматчи ёки ишчи эмас, корхона раҳбарининг ўзи бузилишини қандай изоҳлаш мумкин?

Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияда раҳбарлик масъулияти ҳақида фикр юритиб, шундай таъкидлаган эди: **"Раҳбар энг мураккаб, энг қийин вазиятларда ҳам одамларни кўндириши, уларни баъзи бир ножўя йўллардан, хатти-ҳаракатлардан қайтариши ва ўз атрофида соғлом вазият, соғлом иқлим барпо этиши даркор".**

Шундай экан, корхоналар, ташкилотлар раҳбарлари, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи фуқаролар қонунларга оғишмай амал қилиш борасида бошқаларга ўрнак бўлиши, давлат мулкини кўз қорачиғидай асраб-авайлаши, ҳар хил талон-тарожликларга қарши муросасиз кураш олиб бориши, ходимларни ножўя хатти-ҳаракатлар содир қилишдан қайтариши мустақиллигимиз шиорларидан бири эканлигини ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Ф.МАҲМУДОВ,
Бухоро шаҳри

Юрт жамоли

АРЗИМУРОДОВАНИНГ АРЗИ

БОИСИ НОҚОНУНИЙ ҲАРАКАТ ОРТИДАГИ САРСОНЧИЛИК

Амалдаги қонунларни писанд этмаслик, фуқароларнинг мурожаатига ўз вақтида жавоб бермаслик юқори идораларга шикоят ёзилишига олиб келади.

Оқдарёлик Сожида Арзимуродова "Кумушкент" ширкат хўжалиги бошқарувига фермер хўжалиги тузиш мақсадини баён этиб ариза берган экан. Унинг ёзма мурожаати ширкат хўжалиги вакиллар йиғилишида кўриб чиқилган. Фермер хўжалиги ташкил этиш мақсадга мувофиқ топилиб, С.Арзимуродовага 10 гектар ер майдони ажратиш кўзда тутилган. Бироқ туман ҳокимлиги томонидан "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғриси"даги Қонуннинг 12-моддасига зид равишда фермер хўжалиги учун чиқарилган ширкат хўжалиги вакиллар йиғилиши қарори рад қилинган. Қонуннинг мазкур моддасида ширкат хўжалиги аъзоларининг сони беш юздан ортиқ бўлган йирик ширкат хўжаликларида умумий мажлис ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун вакиллар мажлисини чақириш мумкинлиги қайд этилган. Ваҳоланки, ширкат хўжалиги аъзолари сони "Кумушкент"да 538 нафарни ташкил қилади. Демак, бу ерда вакиллар йиғилиши қарори билан фермер хўжалиги ташкил қилса бўлади. Бироқ Сожида Арзимуродова тўсиққа учради.

Ноқонуний ҳаракат тадбиркорликнинг инкор этиб бўлмас тўсиғи десак ишонаверинг. Негаки, С. Арзимуродова ширкат хўжалиги идораси биносига кўп қатнаган. Бошқарув раиси вазифасини бажарувчи лавозимида ишлаб турган Аслон Тошпўлатов унинг аризасини йиғилиш муҳокамасига киритиб, расмий тарзда ҳал этмаган. Аксинча, 2001 йил 10 февралда ширкат хўжалиги умумий йиғилишида кўриб чиқилиб, "Дилшод" фермер хўжалигига 10 гектар сувли, ер майдони ажратилди, деган сохта қарор кўчирмасига имзо чекиб, қўлига тутқазган.

С.Арзимуродова энди ишим битади, деган ўйда туман ҳокимиятига йўл олди. Афсуски шошилган экан. У энди ҳокимиятга бўзчининг мокисидек қатнайди. Тоқати тоқ бўлган С.Арзимуродова туман ҳокимиятидагиларнинг фермер хўжалиги ташкил этишга тўсқинлик қилишаётгани ҳақида юқори идораларга арз битишга мажбур бўлади.

— Фуқаро С.Арзимуродова ҳақиқатан бизга ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши қарори кўчирмасини тақдим қилганди, — дейди туман ҳокимлиги хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Т.Ширинов. — Ҳужжатлар ўрганилганда қарор кўчирмаси ҳақиқий ҳолатга мос келмаслиги аниқланди. Шунинг учун аризачига рад жавоби берилди.

А.Тошпўлатов дастлаб С.Арзимуродованинг аризаси ўз вақтида хўжалик умумий йиғилиш муҳокамасига киритилган дея туриб олди. Вилоят адлия бошқармаси ходимлари томонидан хўжаликнинг йиғилишлар китоби кўздан кечирилганда, раҳбарнинг гапи ёлғон чиқди. Ўша куни, яъни 2001 йилнинг 10 февралида ширкат хўжалигида навбатдаги умумий йиғилиш ўтказилган. Кун тартибига эса, "Дилшод" фермер хўжалигини ташкил этиш ва унга ер ажратиш масаласи киритилмаган, ҳеч қандай қарор ҳам қабул қилинмаган. Ширкат хўжалиги ходимлари бўлими бошлиғи И.Тоштемирова буни тан олди. У сохта қарор кўчирмасини эътиборсизлик деб баҳолади. Бу ерда хўжалик раҳбари А.Тошпўлатов томонидан тасдиқлаб берилган қарор кўчирмаси ҳақиқий эмаслигини тасдиқловчи яна бир қатор далиллар исботланди.

Юқорида туман ҳокимлиги томонидан вакиллар йиғилиши қарори рад қилиниб, тадбиркорга нисбатан тўсқинлик қилингани айтилганди. Адлия бошқармаси ана шу қонунбузилиш ҳолати бўйича туман ҳокимлиги мутасаддиларига нисбатан ёзма огоҳлантириш киритган эди. Лекин А.Тошпўлатовнинг ноқонуний ҳаракати С.Арзимуродовага анча қимматга тушди. У фермер хўжалиги ташкил этиб, эркин фаолият кўрсатолмади. Бир қатор юқори идораларга қатнаб сарсон бўлиб, қадр-қимматига путур етди, маънавий зарар кўрди.

Ҳар қандай ноқонуний ҳаракат ортидан фуқарога етган зарар ўз ўрнини суд тартибида қопламоғи лозим. Шунинг учун Самарқанд вилоят адлия бошқармаси Сожида Арзимуродованинг қонуний манфаатини кўзлаб жавобгар Аслон Тошпўлатовдан етказилган юз минг сўм маънавий зарарни ундириш тўғрисида Ишлихон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво ариза киритди.

Сафар ТОҒАЕВ,
ҳуқуқшунос

Бугуннинг саволи

ЛАФЗСИЗЛИК ОҚИБАТИ

ЁКИ ТАДБИРКОРНИНГ ҲАҚИНИ КИМ УНДИРИБ БЕРАДИ?

Андижонлик хусусий тадбиркор Абдурасул Ғоипов ўтган йили июнь ойида Пахтаобод туманидаги 2-хўжаликлараро механизациялашган кўчма саф (ХМКС) акциядорлик жамияти билан шартнома тузиб, қурилиш материаллари етказиб берган эди. Шартномага кўра, тадбиркор қурувчиларга мих, қулф, ойна, елим сингари жами — 2 миллион 163 минг 392 сўмлик маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бериб, шартнома шартини бажарган эди. Қурилиш ташкилоти эса олган маҳсулотлари учун бор-йўғи 800 минг сўм тўлади, холос.

— Ўшандан буён орадан олти-етти ой ўтди. Лекин қолган ҳақимни ололмай овораи-сарсонман, — дейди тадбиркор, — Андижондан Пахтаободга қатнайвериб, оёғимда оёқ қолмади, ишимдан ҳам барака кўтарилди. Ташкилот раҳбари Машрабжон Маҳмудовга учраб, унинг орқасидан югуришнинг фойдаси бўлмади. У шартнома шартларини бажармай, қарзини тўлашнинг йўқлиги бўлди.

Тоқати тоқ бўлган тадбиркор Абдурасул Ғойипов Андижон вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Бошқарма унинг манфаатларини ҳимоя қилиб, Избоскан туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритди. Суд ушбу даъво аризасини кўриб чиқиб, уни қаноатлантирди. Тадбиркор фойдасига 2-ХМКС акциядорлик жамияти ҳисобидан 1 миллион 363 минг 962 сўм тўланиши лозим бўлган ўз ҳақи ҳамда унинг ўз вақтида тўланмаганлиги учун ҳисобланган 41- минг 816 сўм жарима ва унга келтирилган 50 минг моддий зарар, жами 1 миллион 833 минг 778 сўм, ташкилот раҳбари Машрабжон Махмудовдан тадбиркорга етказилган маънавий зарар учун 50 минг сўм ундириб бериш ҳақида қарор чиқарди.

Лабзсизлик оқибатида акциядорлик жамияти ҳисобидан даъвогарга ундирилиши лозим бўлган умумий маблағнинг 20 фоизи миқдори — 366 минг 755 сўм 60 тийин давлат божи ҳам ундириладиган бўлди.

Вилоят адлия бошқармаси яна бир хусусий тадбиркор Озодбек Эшончаев манфаатини кўзлаб, худди мана шу судга киритган даъво аризасида ҳам "асосий қаҳрамон" — жавобгар Пахтаобод туман 2-ХМКС акциядорлик жамияти бўлди. Бу тадбиркор ҳам жамиятга 2001 йил 20 август куни тузилган 159-шартномага асосан 349 квадрат метр, умумий баҳоси 8 миллион 725 минг сўмлик рангли ойналар етказиб берган. Бу билан у шартноманинг ўзига тегишли бўлган шартини тўла бажарган.

Тўғри, ҳиссадорлик жамияти ҳам маҳсулотни қабул қилиб олгач, 6 миллион сўм ҳақини ўтказиб берди. Лекин қолган 2 миллион 725минг сўмлик маҳсулот ҳақини тўлашни пайсалга солди. Аслида эса, тарафлар шартномада пулни 10 кун муддат ичида тўлашга келишган эди. Яна сабаб қарзни тўлашга имконият йўқ эмиш. Бу ерда ҳам шартнома шартларининг муқаддаслиги унутиб қўйилди.

Суд қарзнинг шу вақтгача тўланмай келинаётганини инобатга олиб, шартнома талабларида мажбуриятларни бузганлик учун умумий қийматдан 5 фоиз миқдорида жарима тўлашлик кўрсатилиб, бу тарафлар томонидан тасдиқланганлигини эътиборга олиб, умумий сумманинг, яъни 8 миллион 750 минг сўмнинг 5 фоизи ҳисобида ҳамда пулни ўз вақтида ўтказиб бермаган кунлари учун шартноманинг умумий қийматидан 0,15 фоиз жарима ҳисобланишини эътиборга олиб қарор қабул қилди. Қарорга кўра тадбиркор Озодбек Эшончаевга акциядорлик жамиятидан қарз, жарима, моддий зарар учун жами 5 миллион 470 минг сўм ундириб бериладиган бўлди. Қурилиш ташкилоти бу гал ундирилиши лозим бўлган сумманинг 20 фоизи миқдорида 1 миллион 94 минг сўм давлат божи ташкилот раҳбари Машрабжон Мўминовдан хусусий тадбиркор Озодбек Эшончаев ҳисобига 50 минг сўм маънавий зарар ундириладиган бўлди. Тадбиркорларнинг ҳақини ундириб беришга қаратиган Избоскан туманларар фуқаролик судининг Абдурасул Ғойиповга тегишли қарори шу йил 29 январдан, Озодбек Эшончаевга тегишли қарори шу йил 11 мартдан бошлаб Қонуний кучга кирган. Аммо суднинг ҳар икки қарори ҳали ҳам ижрога қаратилгани, тадбиркорларнинг ҳақи ундириб берилгани йўқ, Улар ҳақини ундиролмай яна сарсон...

Бунга ким жавоб беради?!

Илҳомжон ЭГАМНАЗОРОВ
"Инсон ва қонун" нинг махсус мухбири

Митти маслаҳат

БОЛАНИНГ РОЗИЛИГИ НЕЧА ЁШДАН ИНОБАТГА ОЛИНАДИ?

Халқимизда бола фикри неча ёшдан бошлаб инобатга олиниши ҳақида турлича муносабат мавжуд. Масалан, ота-она ўртасида келишмовчилик бўлиб, низоли вазият юзага келганда ёхуд ота-она томонидан боланинг насаб, исм, ота номига доир ўзгартириш киритиш эҳтиёжи пайдо бўлганда бола фикри қандай ҳисобга олинади?

Оила Кодексининг 70-моддаси 4-хатбошиси талабларига мувофиқ, 10 ёшга тўлган боланинг исми ёки фамилиясини ўзгартиришга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелда қабул қилинган 171-сонли қарори билан тасдиқланган, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари"нинг 52-бандига кўра, 10 ёшга тўлган болага нисбатан оталик унинг розилиги билан белгиланиши, бунда боланинг розилиги ота-онаси томонидан берилган аризада унинг шахсий имзоси билан ифодаланиши белгиланган. Яна бир муҳим жиҳат — бола фарзандликка олинаётганда розилик олишда жойларда турлича амалиётлар учраб турибди. Оила Кодексининг 155,156-моддаларида фарзандликка олинаётган боланинг у 10 ёшга тўлгач албатта розилиги олиниши шарт. Бола розилиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланиши белгиланган бўлса, Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 19 апрелда қабул қилган 171-сонли қарори 3-иловаси билан тасдиқланган "Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (натронат) тўғрисида"ги Низомнинг 15-банди "в" кичик бандида агар фарзандликка олинувчи 10 ёшга тўлган бўлса, унинг фарзандликка олинишга розилиги васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан аниқланиши лозимлиги белгиланган. Боланинг розилиги олинганда унга фарзандликка олишнинг ҳуқуқий оқибатлари (қариндошлари билан кўришиш, мулкий ва бошқа низолар), унинг фамилияси, туғилиш тўғрисидаги ёзувларнинг ўзгариши тушунарли ҳолда баён қилиниши шарт. Агар бола фарзандликка олувчиларнинг оиласида тарбияланаётган ва уларни ўз ота-онаси деб эътироф этиши васийлик ҳамда ҳомийлик органи томонидан ўтказилган суҳбат мобайнида аниқланган бўлса, фарзандликка олиш фарзандликка олинаётган боланинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин. Демак, боланинг у ёки бу ҳолат бўйича фикрини инобатга олиш у 10 ёшга тўлгач амалга оширилади.

МАҚСАД МУШТАРАКЛИГИ

ҚОНУНБУЗАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ ВОСИТАСИДИР

Фаолият

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июнда қабул қилинган "Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан прокуратура органлари ҳузурида солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилди. Ана шу масъулиятли ишларни амалга ошириш йўлида Шайхонтоҳур тумани прокуратураси қошидаги солиққа оид жиноятларга кураш бўлими ходимлари ҳам фидокорона меҳнат қилишмоқда. Мисол учун айтадиган бўлсак, ўтган йили бўлимимизга солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги 60 та материал келиб тушди. Шундан 12 таси туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан, 48 таси эса бўлим томонидан расмийлаштирилган бўлиб, шундан 3 та текширув материали маъмурий тартибда кўриб чиқиш учун туман солиқ инспекциясига қайтарилди. 17 та материал юзасидан 19 нафар шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилган, 34 та материал бўйича 48 нафар шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этгани аниқланди. Уларнинг 25 нафарига бўлимимиз томонидан ва 23 нафарига эса туман суди томонидан маъмурий жазо қўлланилди.

Ўтган йили бўлимимиз фаолияти натижасида ўзлаштириш ва талон-тарож қилиш бўйича 1 та, солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш ҳолати юзасидан 7 та, савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш ҳолати юзасидан 4 та, алкоголли маҳсулотларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш ҳолати юзасидан 1 та, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш ҳолати юзасидан 3 та, лицензиясиз фаолият кўрсатиш ҳолати бўйича 1 та жиноят иши қўзғатилди. Ана шу қўзғатилган жиноят ишлари бўйича 13202,55 минг сўмлик товар моддий бойликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Ҳозирги кунда мазкур жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Аниқланган жиноят ишлари бўйича давлатга етказилган зарар молиявий жарималар билан биргаликда 68099,8 минг сўмни ташкил этиб, шундан 14832,4 минг сўм давлат фойдасига ундириб олинди. Айбдорларга нисбатан 7102.8 минг сўмлик молиявий жарима қўлланилди.

Шунингдек, ўтган йили бўлимимиз томонидан солиққа оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида 29 та материал кўриб чиқилиб, айбдорлар маъмурий жавобгарликка тортилди. Бундан ташқари, 24 нафар шахсга нисбатан тузилган материаллар маъмурий тартибда кўриб чиқиш учун туман судига юборилди. Ушбу текширув ҳужжатларига асосан жами 8165,92 минг сўмлик ҳар хил товар моддий бойликлар ҳуқуқбузарлик ашёлари сифатида олиб қўйилиб, қонунда белгиланган тартибда давлат фойдасига мусодара қилинди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганларга нисбатан 1009,42 минг сўмлик жарима қўлланилди ва у тўлиқ ундириб олинди. Белгиланган иш режаси асосида туман ДСИ билан ҳамкорликда бир нечта қўшма рейдлар ташкиллаштирилиб, текширувлар амалга оширилди. Жумладан, туман ҳудудидаги тунги кулбларда ва автомобилларни қисқа муддатли тўхташ жойларида мониторинг тадбирлари ўтказилиб, кўплаб қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди. Уларни бартараф этиш мақсадида туман ҳокимлигига бир нечта тақдимнома киритилди. Бундан ташқари, туман ҳудудида ноқонуний равишда акциз маркасиз спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари билан савдо қилаётган ҳамда аудио-видео кассеталар билан рухсатсиз савдо қилаётган фуқароларга нисбатан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, кўриб чиқиш учун туман судига юборилди. Шунингдек, туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан юборилган материаллар асосида қарздор корхоналарнинг 21.85,8 минг сўмлик боқиманда маблағи ундириб берилди.

Қўзғатилган жиноят ишлари бўйича 5422,25 минг сўмлик товар моддий бойликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Шундан 4814,35 минг сўмлиги спиртли ичимликлардан иборат. Айни пайтда мазкур жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўтган йили амалга оширилган бундай чора-тадбирлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Ўтган икки ойлик натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, жиноят ишлари бўйича давлатга етказилган зарар молиявий жарималар билан биргаликда 30506,4 минг сўмни ташкил этди. Шундан 17411,1 минг сўми йўл фонди жамгармасига ҳисобланган, 343 минг сўми эса молиявий жарима сифатиа қўлланилган. Ҳозиргача 13000 минг сўм давлат фойдасига ундирилди.

Ўтган икки ой мобайнида бўлимимиз томонидан солиққа оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида жами 14 нафар шахсга нисбатан материал кўриб чиқилиб, айбдорлар маъмурий жавобгарликка тортилди. Бундан ташқари, 4 нафар шахсга нисбатан тузилган материаллар маъмурий тартибда кўриб чиқиш туман судига юборилди. Ушбу текширув ҳужжатларига асосан жами 2747,9 минг сўмлик акциз маркасиз тамаки маҳсулотлари ҳуқуқбузарлик ашёлари сифатида олиб қўйилди.

Хулоса сифатида айтганда, солиққа оид жиноятларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасида олиб бораётган фаолиятимизни доимо такомиллаштириб бораяпмиз. Бунинг натижаси ўлароқ солиққа оид кўплаб жиноятлар аниқланиб, айбдорлар қонун асосида жазоланмоқда.

Олим ИСАЕВ,
ҳуқуқшунос

Ҳуқуқий маърифат

ТАДБИРКОРЛИК ҲИМОЯСИ

Маълумки, тадбиркорлик фаолияти моҳият-эътибори билан мамлакатнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, ҳар бир фуқаронинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу боис мамлакатимизда бу соҳага ҳар томонлама эътибор берилмоқда, унинг ҳуқуқий асослари тобора такомиллаштириб борилмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир тадбиркор билан давлат хизматчиси ўртасидаги муносабатлар ўзига хос хусусият касб этади. Буни янада аниқроқ айтадиган бўлсак, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги асосий тўсиқлардан бири тадбиркор ва давлат идораси хизматчиси ўртасидаги муносабатларни қонуний тартиб ва асосларда йўлга қўйишга тўла-тўкис муваффақ бўлинмагани саналади.

Албатта, тадбиркорлик муносабатларининг асосий мазмунини мулкий муносабатлар ташкил этиши ҳеч кимга сир эмас. Бу муносабатлар объекти эса пул маблағлари, моддий бойликлар, товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ. Шу сабабли ҳам муайян ҳолатларда тадбиркор-субъектлар ҳуқуқларини амалга ошириш, мажбуриятларни бажаришга даҳлдор ваколатларга эга бўлган давлат хизматчиси ўз ваколатларини суиистеъмол қилиб, таъмагирлик билан муайян манфаат кўриш имкониятини қидиради. Айрим ҳолда у тадбиркорлик субъектлари йўлига турли тўсиқлар қўйишга уринади. Бундай салбий ҳолларни бартараф этиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишнинг қонуний асослари белгилаб қўйилди, текширишларни қайд этиш китоби жорий этилди ва рўйхатдан ўтказиш тартиби соддалаштирилди. Умуман олганда, давлат амалдорига тадбиркорнинг қарамлик ва боғлиқлик даражаси анча заифлаштирилди. Албатта, бундай чора-тадбирлар ўзининг самарасини бермоқда. Бироқ бу билан барча муаммолар ҳал этилган, дейиш қийин.

Кези келганда шуни очиқ эътироф этиш керакки, тадбиркорларни давлат идоралари назоратидан тўла озод қилиш мумкин эмас. Шу сабабли ҳам бу муаммони ҳал этишда ўзига хос оралиқ ечим даркор бўлади.

Хўш, бу ечим нималардан иборат бўлиши лозим?

Энг аввало, тадбиркор билан давлат хизматчиси ўртасида нормал қонуний муносабатларни қарор топтириш керак. Бунинг учун биринчи галда, тадбиркорнинг ишбилармонлик, уддабуронлик фазилатларидан ташқари унинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳам юқори бўлиши лозим. Ҳар бир тадбиркор ҳуқуқнинг умумий асосларидан ташқари тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, шартномавий муносабатлар, давлат идоралари билан тадбиркорлик субъектлари ўзаро муносабат қоидаларини билиши шарт. Бунга эришиш учун мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларида "Тадбиркорлик ҳуқуқи" ўқув фанини асосий дарслардан бири сифатида жорий этиш лозим. Ҳар бир мутахассислик йўналиши (молия, банк, қишлоқ хўжалиги, транспорт, савдо, маиший хизмат ва ҳоказо) бўйича тадбиркорликни амалга ошириш ўзига хос хусусиятларга эга. Шу сабабли ҳам ҳар бир тармоқ бўйича тадбиркорлик ҳуқуқи дарсликларини тайёрлаш лозим.

Бундан ташқари туманлардаги тадбиркорлик палаталари тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бўйича ёрдам кўрсатаётганда, тегишли равишда тадбиркорлик ҳуқуқи бўйича махсус курсларда ихтиёрий ўқишни ташкил қилиш тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқдир. Эҳтимол, тадбиркорлик палаталари ҳузурида доимий фаолият юритадиган ўқув курслари ташкил этилса, фойдадан холи бўлмайди.

Яна шуни айтиш керакки, давлат хизматчиси ахлоқан пок, ҳалол, таъмагирликдан йироқ бўлиши шарт. Чунки тадбиркорлик фаолиятининг янада ривож топиши кўпгина омиллар қатори давлат хизматчисининг хайрихоҳлиги, юракдан қайғуриб ишлашига ҳам боғлиқ. Тадбиркор моддий неъматларга энг яқин бўлган субъектдир. Тадбиркорлик моддий неъматларга етишишнинг қулай имкониятини таъминловчи асосий манбадир. Бу ҳолатни ҳаммамиз яхши биламиз. Афсуски, баъзан тадбиркорликни, айниқса, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва фойда кўриб ишлайдиган корхоналарни хусусийлаштиришда давлат амалдорлари қариндош-уруғчилик манфаатларидан келиб чиқиб иш кўриши учраб турибди. Албатта, бундай йўл жамиятга фойдадан кўра кўпроқ зиён келтиради.Шунинг учун бундай иллатлар олдини олиш мақсадида ҳуқуқий асосларни яратиш даркор.

Эҳтимол, "Давлат хизматчиси тўғрисида", "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида" қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим бўлади. Бу қонунларда давлат хизматчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини, ижтимоий кафолатларини, тадбиркорликка тўсиқ бўлган ҳаракатларни содир этганларга нисбатан кескин жавобгарлик чораларини белгилаб қўйиш ва қатъий амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Тадбиркорликни ривожлантиришга халақит берувчи иккинчи омил — тадбиркорликда таваккалчилик даражасининг юқорилиги ҳисобланади. Таваккалчиликсиз тадбиркорлик мавжуд бўлмайди. Таваккалчиликни мутлақо бартараф этиб бўлмайди. Шу сабабли ҳам таваккалчилик хавфини камайтирувчи юридик воситалар — суғурта мажбуриятлар ижросини таъминлаш усулларидан кенг фойдаланиш лозим.

Омон ОҚЮЛОВ,
юридик фанлари доктори

Диққат: муаммо!

СУД АЖРИМ ЧИҚАРДИ. ИЖРО-ЧИ?..

Янгиқўрғон туман ҳокимининг 1995 йил 14 ноябр кунида чиқарган қарорига асосан Янгиқўрғон шаҳарчаси ҳудудидан Шариф Абдураҳмоновга "Бешчинор" хусусий корхонасига тегишли ошхона ва новвойхона қуриш учун 120 кв.м. ер ажратилди. Шундан сўнг корхона раҳбари Шариф Абдураҳмонов турмуш ўртоғи Турсунхон Орифбоева билан ошхона ва нонвойхона қурилишини бошлаб юборди. 1998 йил кузида деярли қурилиб бўлган, фақат ташқи пардоз ишлари чала бўлган ошхона ишга тушди. "Бешчинор" хусусий корхонаси 1997 йил 13 май куни расмий равишда давлат рўйхатидан чиқарилганига қарамай, туман савдо ҳиссадорлик жамияти билан тузилган шартнома бўйича ошхона 1999 йилнинг июл ойигача фаолият кўрсатди.

2000 йилнинг май ойида Ш.Абдураҳмоновни туман ҳокимиятига чақиришиб, "ошхонангиз жойлашган жойга туман соғломлаштириш мажмуи қурилаётгани боис у бузилади, ундан чиққан қурилиш материалларини ўзимиз ташиб бериб, сизга бошқа жойдан ер ажратиб, уч хонали уй қуриб берамиз", дейишади. Ҳокимиятдагиларнинг ваъдаларга ишонган Шариф Абдураҳмонов тилхат ёзиб беради. (Кейинчалик Ш.Абдураҳмонов бу тилхатни мажбуран ёзганини айтади.) Шундан сўнг ҳеч қандай расмий ҳужжатсиз ошхона бузилади. Ш.Абдураҳмонов ва унинг оиласи бошига тушган оворагарчилик шу тариқа бошланади. Чунки ажратилган саккиз сотих ерда ҳокимиятдаги масъул шахслар ваъда берган қурилиш бошланиш тугул бузилган ошхонадан чиққан материаллар ҳам тўлиғича ташиб берилмайди... Оқибатда уй-жойини сотиб, бор маблағини ошхона қурилишига ишлатгани сабабли Ш.Абдураҳмонов ва унинг оила аъзолари бошпанасиз кўчада қолади.

Бу ҳақда Ш. Абдураҳмонов Янгиқўрғон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат этади. 2001 йил 3 май куни бўлиб ўтган судлов ҳайъатининг йиғилишида Ш.Абдураҳмоновнинг келтирган даъвоси қисман қаноатлантирилиб, туман маҳаллий бюджети ҳисобидан даъвогар фойдасига 3214161 сўмлик моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақида ҳал қилув қарор чиқарилади. Мазкур қарорга норози бўлган туман прокуратураси судга апелляция протести келтиради. Шунингдек, қарорга нисбатан туман ҳокимлиги ҳам апелляция шикояти ёзади. Улар асосида мазкур иш 4 июл куни Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судида апелляция тартибида кўриб чиқилади. Судга Ш.Абдураҳмонов қуйидагиларни тушунтиради: 2000 йили май ойида туман ҳокимлигининг масъул ходимлари ошхона жойлашган бино ўрнига соғломлаштириш мажмуи қурилиши лозимлигини айтишди. Эвазига уч хонали уй қуриб берамиз, деган ваъда бериб, ошхонани ҳеч қандай қарорсиз мажбурий тарзда бузиб ташлашди. Вилоят "Қишлоқ лойиҳа қурилиш" очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг техник экспертизаси хулосасига кўра, ошхонанинг 90 фоиз қурилиши битган ҳолдаги нархи 5316103 сўмни ташкил этади. Ошхона қурилишига эса 2224000 сўмлик маблағ сарфланади. Шуларни ҳисобга олиб, жавобгарлардан 7816103 сўмлик моддий ва маънавий зарар ундириб берилишини сўрайман.

Жавобгар томоннинг қонуний вакили Б.Неъматов даъвогарнинг даъвоси рад қилинишини сўраб шундай дейди: Ш.Абдураҳмонов 120 кв.м. ер майдонига эга бўлгач, 1996 йилда ошхона қурилишини бошлаган. Лекин қурилиш туман лойиҳалаштириш гуруҳи орқали тасдиқланган лойиҳага зид равишда олиб борилган. 1997 йилда қурилиш ишлари бутунлай тўхтаб қолган. Шу сабаб даъвогар ҳеч кимдан рухсат олмасдан очиқ майдонда аҳолига умумий овқатланиш хизмати кўрсатиб келган. Ошхона биноси қурилиши 25 фоизга бажарилгани, санитария ва шаҳарсозлик талаб-меъёрларига жавоб бермагани туфайли 1997 йил 13 май куни "Бешчинор" хусусий корхонаси давлат рўйхатидан чиқарилди. Ошхона бузилиб, унинг ўрнида вилоят ҳокимлиги архитектура ва шаҳарсозлик бош бошқармаси лойиҳасига кўра спорт соғломлаштириш мажмуаси қурилиши режалаштирилган бўлиб, 2000 йил 1 сентябрда фойдаланишга топширилиши лозим эди. Шу сабабли Ш.Абдураҳмоновга уй-жой қуриш учун жой ажратилган бўлиб, у бузилган ошхонадан чиққан қурилиш материалларини ўз вақтида ташиб олмади ва қурилишни бошламади. Туман ҳокимияти шу қурилиш материалларини ташиш учун 194449 сўмлик ёрдам кўрсатди.

Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судининг апелляция ҳайъати Янгиқўрғон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судида даъвогар — Шариф Абдураҳмоновнинг жавобгар Янгиқўрғон туман ҳокимлигидан моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги суд муҳокамасида ФПКнинг айрим моддалари талабларига риоя этилмагани ва аниқланган ҳолатларга тегишли ҳуқуқий баҳо бериш лозимлигини назарда тутиб, ҳал қилув қарорини бекор қилади ва ишни қайтадан кўриш учун Наманган туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига юборади.

2001 йил 15 октябр куни Наманган туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг очиқ суд мажлисида иш қайта кўриб чиқилади. Унда даъвогар ҳам, жавобгар томон ҳам яна юқорида баён қилинган важларини кўрсатади. Судда гувоҳлар — вилоят "Қишлоқ лойиҳа қурилиш" ҳиссадорлик жамияти техник экспертиза бўлим бошлиғи А.Тожибоев, бузилган ошхонага яқин жойда яшовчи фуқаро О.Мамажонов, ошхона қурилишида уста бўлиб ишлаган Р.Эргашев ва М.Мамадалиевлар, ошхона ошпази М.Нишонов ҳамда яна бир неча кишилар ошхона олти хонадан иборат бўлиб, 90 фоиз қурилиши битганини, фақат ички ва ташқи пардозлаш ишлари қолганини айтади.

> ***Суд ижрочисининг ўз ваколатлари доирасидаги талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча органлар, жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.***
>
> ***Суд ижрочилари ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва ҳужжат нусхалари уларнинг талабига кўра бепул ва суд ижрочиси томонидан белгиланган муддатда тақдим этилади.***
>
> ***Суд ижрочисининг талабларини бажармаслик, унинг зиммасига юкланган вазифаларни бажаришига монелик қилувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.***
>
> **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун, 87-модда.**

Мазкур суд ФПКнинг 203-206, ФКнинг 10, 985-моддаларига кўра даъвогар Ш.Абдураҳмоновнинг даъвосини қисман қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Қарорда кўрсатилишича, жавобгар — Янгиқўрғон туман ҳокимлигидан даъвогар — Шариф Абдураҳмоновга етказилган моддий зарар учун 3379290 сўм, маънавий зарар учун 100000 сўм — жами 3479290 сўм ундирилиши лозим эди.

Бироқ иш яна чўзилди. Сабаби — 2001 йил 15 октябр кунидаги фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг ҳал қилув қароридан норози бўлиб Янгиқўрғон туман ҳокимлиги кассация шикояти келтирди. Шу боис 2002 йил 15 январ куни фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судининг кассация бўйича суд мажлиси ўтказилди. Суд ФПКнинг 348-15-моддасига асосланиб, Наманган туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг 2001 йил 15 октябрдаги ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирилиши ҳақида ажрим чиқарди.

Шундан сўнг Янгиқўрғон туман суд ижрочилари бўлинмаси (суд катта ижрочиси Б. Валиев) томонидан Наманган туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг 1434 – сонли ижро варақаси ижросини таъминлаш учун 2002 йил 7 февралда туман ҳокимлигига даъвогар Ш.Абдураҳмоновга етказилган моддий ва маънавий зарар учун 3479290 сўм ҳамда давлат фойдасига 173 964 сўм давлат божини ундириш ҳақида 2275-сонли хат жўнатади. Аммо туман ҳокимлиги бу ва ундан кейин келган яна иккита хатни умуман эътиборсиз қолдиради.

Шундан сўнг ҳам бирор натижа чиқмагач, Ш. Абдураҳмонов 2002 йилнинг 25 февралида Б. Валиевга қайта мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Шундай қилиб, қарздор томон ўзларига юклатилган қонуний мажбуриятларини лозим даражада бажармай, ижро муддатини бузиб, ҳозиргача даъвогарни сарсон қилиб келмоқда. Ваҳоланки, "Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунга асосан суд ижрочиси ижро ҳаракатларини қарздор ёки ўз ташаббуси билан ўн кун муддатга кейинга қолдириши мумкин, холос.

Мазкур воқеани баён этишдан кўзланган мақсад шуки, кейинги пайтларда суд қарори ижросини пайсалга солиш ҳолларини кўпайиб бормоқда. Шу боис табиий бир савол туғилади: хўш, ижроси таъминланмаган қарорнинг кимга кераги бор?

Уйлаймизки, мутасадди ташкилотлар бу масалага алоҳида эътибор қаратади ва қонун устуворлигини таъминлайди.

Шерали НИШОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Сумалак соғинчи

> *Оталар дейдики:*
>
> ***Бадан учун жуда зарур бўлган жисмоний машқлар руҳ учун ҳам шундай зарурдир, чунки баданни пок, соғлом этиш руҳни ҳам пок, соғлом этади.***

Жиноят ва жазо

ҚИНҒИРЛИК ДОҒИ

● НАФСНИНГ ЁМОНИ — БАЛОНИНГ КОНИ
● ҚОРАНИ ЮВГАН БИЛАН ОҚ БЎЛМАС

Абдужаббор Холов 1988 йил 3 майдан то 2000 йилнинг 4 июлига қадар Шарғун шаҳар ғишт заводи ҳиссадорлик жамиятида бош ҳисобчи вазифасида ишлаб келди. Қарийб ўн икки йиллик иш фаолияти давомида у корхонада яхшигина обрў-эътибор топди. Қолаверса, шу корхона орқасидан рўзғори бошқаларникидан кам бўлмаган ҳолда ўтиб турди. Лекин кейинги икки йилда бош ҳисобчи ва унинг шериклари томонидан содир этилган талон-торожлик, нопок йўл билан бойлик топиш истаги йиллар давомида топилган обрў-эътиборни бир пул қилди.

Шарғун ғишт заводи ҳиссадорлик жамияти раиси вазифасини бажарувчи Ғ.Бобохонов, иш ҳақи ҳисобчиси Р.Мавлонова, жамият ғазначиси Ш.Жумаевлар маслаҳатни бир жойга қўйишиб, бош ҳисобчи Абдужаббор Холов ҳузурига қадам ранжида қилишди:

— Корхонамиз хизмат кўлами кенг. Фақат ойликка қараб яшайверамизми?! Агар пул топишнинг бошқа йўллари бўлса, биргалашайлик, — дейишди ҳамтовоқлар.

— Йўли кўп, оғайнилар. Бекорга бу ерда ўн йилдан буён ҳисобчилик қилаяпмизми?! — дейди ҳозиржавоблик билан бош ҳисобчи А.Холов. — Манави қўлимдаги чўтнинг соққалари пул санайди.

— Дангалига ўтайлик. Бир кун бўлса ҳам шу ерда бошлиқ вазифасини бажариб турибмиз, — деди сабрсизлик билан раис вазифасини бажарувчи Ғ.Бобохонов.

— Ҳозирча энг яхши йўли «хизмат сафарида бўлди», деган ҳужжатларни тайёрлаб, нақд пул олиш мумкин, — дея қинғир йўлнинг дарвозасини астагина очди бош ҳисобчи.

Хуллас, пул топишнинг янги ва қинғир йўллари очилди. Дастлаб корхона бошқарув раиси Х.Мингбоев гарчи хизмат сафарида бўлмаса-да, 1999 йил 19 июл кунида 89-сон чиқим ордери билан 50.000 сўм пулни олиш учун сохта ҳужжат тайёрланди. Уни бошлиқ вазифасини вақтинча бажарувчи Ғ.Бобохонов ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда тасдиқлади. 50 минг сўм берилгани ҳақидаги сохта чиқим ордерига "олдим" ва "тарқатдим" қаторига ғазначи Ш.Жумаев имзо қўйиб, шунча пулни ўмаришди.

Дастлабки "операция" муваффақиятли ўтгач, навбатдагисига яна йўл кенгроқ очилди. 1999 йил 19 июл кунидаги 90-сонли чиқим ордери билан бош ҳисобчи А.Холов номига "у хизмат сафарида бўлган" қабилида сохта ҳужжатлар вақтинчалик бошлиқ Ғ.Бобохонов томонидан тасдиқланиб, иш ҳақи ҳисобчиси Р.Мавлонова, ғазначи Ш.Жумаевларнинг жимжимадор имзолари билан "олдим" дея оз эмас, кўп эмас — 50 минг сўм ўзаро тақсимланди.

Ғишт заводининг «хизмат сафар»лари кўпайиб кетди. Гоҳ бош ҳисобчи "сафардан" қайтади, гоҳ вақтинчалик бошлиқ... Хуллас, корхонада хизмат сафарига сохта ҳужжатлар билан бориб-келувчилар тинимсиз ҳаракатда бўлишди. 1999 йил 28 июл куни вақтинчалик бошлиқ Ғофур Бобохонов "хизмат сафаридан" қайтди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Митти маслаҳат

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

Агарда ишчи штат қисқармаган ҳолда ишдан бўшатилиб, айрим сабабларга кўра ўз муддатида судга ариза бермаган бўлса, даъво муддатини тиклаш мумкинми? Даъво муддатини неча йилгача тиклаш мумкин ва бунинг учун нима қилиш керак? Оила бошлиғи сабабсиз ишдан бўшатилиб, унинг оила аъзолари ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўриб яшаётган бўлса, мамлакатимиз қонунчилигида оила аҳволи қай тарзда ижтимоий ҳимоя қилинади?

Исомиддин ИСКАНДАРОВ,
Сурхондарё вилояти,
Шўрчи шаҳри

Саволларга ҳуқуқшунос Кудратилло ФАЙЗУЛЛАЕВ жавоб беради

— Меҳнат тўғрисидаги Кодекснинг 270-моддаси (меҳнат низосини ҳал қилишни сўраб мурожаат этиш муддатлари)га асосан судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

— ишга тиклаш низолари бўйича ходимга у билан меҳнат шартномасини бекор қилгналиги ҳақидаи буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;

— ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарари тўлаш ҳақидаги низолар бўйича зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;

— бошқа меҳнат низолари бўйича ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой;

— ушбу моддада белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, бу муддатлар суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан қайта тикланиши мумкин.

Ходимнинг соғлигига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди.

Сиз ишдан ноҳақ бўшатилганлигингиз ҳақида судга мурожаат қиласиз. Суд меҳнат қонунчилигидаги қонун нормалар бузилган деб топса, сизга моддий ва маънавий зарар ундириб берилади.

Савол беринг!
Уни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

* * *

1981 йилда ЖКнинг 234-моддаси "б" банди билан жиноий жавобгарликка тортилган шахс жазо муддатини ўтаб келгандан сўнг тиббиёт олийгоҳини тугатиб, шу кунга қадар ўз касби бўйича ишлаб келмоқда. Шу киши касби бўйича бирор хорижий давлатда ишламоқчи бўлса, илгари судланганлиги таъсир қиладими? Жазо муддатини ўтаб келгандан сўнг маълум муддат ўтгач, у судланмаган ҳисобланадими?

Абдурайим ЭРМАМАТОВ,
Сурхондарё вилояти,
Бойсун тумани

— Хорижий давлатга ишламоқчи эканлигингизга олдинги судланганлигигиз таъсир қилмайди, яъни ишлашингизга тўсқинлик қилмайди.

Фақат сиз ҳужжатларни расмийлаштираётганингизда судланганмисиз, деб кўрсатилган жойига судланган вақтингиз (йили) ва тегишли моддани кўрсатишингиз керак.

ЖКнинг 78-моддасида судланганлик ҳолатининг тугалланиши ҳақида сўз юритилган. Сизнинг судланганлик вақтингиз 1981 йилдан бошланиб ҳозирги кунга қадар 21 йил вақт ўтибди. Судланганлик муддати 78-моддада кўрсатилганидек, ҳозирги кунда судланганлик ҳолати тугатилган ҳисобланади.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ СИР САҚЛАНАДИМИ?

Маълумки, ўғил фарзанди йўқ оилалар ўғил, қиз фарзанди йўқ оилалар қиз болаларни фарзандликка олади. Шунингдек, етим болалар фарзандга муҳтож оилаларга фарзанд қилиб берилади. Оила Кодексининг 153-моддасида фарзандликка берилган болалар манфаатларини ҳимоя қилиб, бу ҳолатнинг сир сақланиш кафолатлари белгилаб қўйилган. Бироқ кундалик ҳаётимизда фарзандликка олишни сир сақлаш масаласида айрим муаммолар кузатилмоқда. Масалан, халқ таълими муассасалари масъул ходимларининг фарзандликка бола олиш ҳақидаги айрим ҳужжатларни фуқароларнинг қўлларига бериши, улар расмийлаштириш учун бу ҳужжатларни тегишли ташкилотга ўзлари келтиришлари, баъзан бундай ҳужжатлар фуқароларда узоқ вақт сақланиб туриши, бегона кишиларнинг бу маълумотлардан воқиф бўлиш эҳтимоли юқорилиги каби салбий ҳолатлар учрамоқда.

Шуни айтиш жоизки, Жиноят Кодексининг 125-моддасида фарзандликка олиш сирини ошкор қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Яъни фарзандликка бола олувчи ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига қарши етим ёки ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишнинг қонун билан қўриқланадиган сирини ошкор қилиш — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан 100 баробаригача жарима ёки 2 йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Агар бу ҳолат касб фаолияти ёки хизмат мавқеига кўра фарзандликка олишни сир сақлаши шарт бўлган шахс томонидан ғаразгўйлик ёки бошқа ниятда содир этилиб, оғир оқибатларга сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробаридан 200 баробаригача миқдорда жарима ёки 2 йилдан 3 йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Жаҳон тажрибаси

КОМБОТАНТЛИК ҲУҚУҚИ НИМА?

Уруш — ўз номи билан уруш. Унинг ёвуз моҳиятида шаҳар ва қишлоқларнинг вайрон бўлиши, ҳаётда файзу барака кўтарилишидан бошқа ҳеч нарса топиб бўлмайди. Айниқса, уруш бошланган даврда бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қилиши учун шарт-шароит туғилади. Шунинг учун ҳам уруш пайтида бегуноҳ фуқароларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини асраш жуда катта аҳамият касб этади. Агар тарихга назар ташласак, урушда мағлуб тарафнинг фуқаролари ҳуқуқини поймол қилиш, хўрлаш, зўрлаш, қулликка маҳкум этиш, ўлдириш, қийнаш ёки турли тажрибалар ўтказилиши кўпроқ учрайди. Бундан аёнки, уруш бўлиб турган ҳудуддаги фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқи масаласи жуда жиддий бўлиб, жаҳон афкор оммаси бунга алоҳида эътибор бериши зарур.

Албатта, бу борада Стоик фалсафаси ва Қадимги Юнон донишмандлари асарларида ҳақ-ҳуқуқ жиҳатидан барча инсон тенг эканлиги ҳақида қимматли фикрлар билдирилган. Мазкур доктрина давлатларнинг ўзаро бирлашуви, янги-янги ғоялар вужудга келишига замин яратди. Кейинчалик пайдо бўлган динлар ҳам маълум даражада инсоний тенгликни тарғиб этиб, бир инсонни бошқа бир инсон томонидан зўрланиши ва ўлдирилишини таъқиқлайди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича мавжуд Конвенциялар уруш шароитида баъзи бир инсон ҳақ-ҳуқуқига тажовуз қилувчи ҳукмларни тўхтатиш ёки чеклашни назарда тутади.

Айниқса, XX асрнинг 60-йилларида ер куррасида уруш ўчоқлари ҳаддан ташқари кўпайиб, миллий озодлик ҳаракатларининг кучайиши айнан уруш бўлиб турган ҳудудларда бетараф фуқаролар, аёллар, болалар ва болали оналарни ҳимоя қилиш долзарб муаммога айланди.

Ана шу тариқа уруш даврида Комботант[1] аёлларнинг кўпайиши аёлларни ҳимоя қилишнинг янги усулларини жорий қилишни келтириб чиқарди. Тарихга назар ташласак, уруш ҳаракатларида аёлларнинг давлат бошлиғи ёки олий қўмондон сифатида иштирок этиши тарихий ҳужжатларда қайд қилинган.

Комботант аёлларга худди эркакларга қилинган тарзда ёмон муомала қилиш таъқиқланади. Аммо низо кучайган бир пайтда комботант ёки тинч аҳолини қириб ташламаслиги ва уларга нисбатан юмшоқ муносабатда бўлишига ҳеч ким кафолат бермайди. Комботант аёллар таслим ёки ярадор бўлган бўлса, очиқ сувда (фалокатдан сўнг) чўкаётган, ёнаётган самолётдан парашютда сакраётган бўлса, уларга қарата ўт очиш, уларни тутиб ўлдириш мумкин эмас.

Комботант аёллар асир тушганда ғайриинсоний азоб бериш ҳам таъқиқланади.

Олдинги замонларда бўлиб ўтган катта урушларда аёлларнинг жанг майдонидаги мардлиги, ярадор жангчиларга кўрсатган меҳр-муруввати, қўшинларни озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаҳа ва ўқ-дорилар билан таъминлашдаги қаҳрамонликларига ҳар қанча таҳсин айтсак ҳам камлик қилади.

XIX асрга қадар жангларда иштирок этган аёлларга сон жиҳатидан кам бўлганлари учун комботант деган тушунча қўлланмаган. Биринчи жаҳон урушида мунтазам армия таркибида аёллар пайдо бўлгач, фронт чизиғидаги жосуслик тадбирлари ва ҳарбий қурол-аслаҳа ишлаб чиқаришда қатнашиши оддий ҳолга айланиб борди.

Маълумотларга қараганда, биринчи жаҳон уруши йилларида 80 мингдан ортиқ аёл Англиядаги "Махсус аёллар батальонида" (WAAC) да ҳамда қўшимча хизмат бўлимида (WRNS) хизмат қилгани аниқланган. Бундан ташқари, қироличанинг махсус аёллар бўлинмаси ташкил (ВВС) WRAF) этилган. Ҳарбий ҳамширалар мактаблари эса мунтазам равишда ҳамшираларни етказиб турган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида эса аёлларнинг қўшин таркибидаги сони илгаргига нисбатан жуда ошиб кетди. Шунингдек, партизан аёллар полки ҳам тузилиб, фашистларни ноқулай ҳолатга солгани хусусидаги ҳужжатли мисоллар кўп учрайди.

Айниқса, аёлларни эркаклар билан битта лагерга қўйиш, уларга нисбатан офицер ёки разведкачи бўлгани учун махсус қийноқ усулларини қўллаш таъқиқланади.

Аёлларни ҳарбий қўмитага жалб қилиш амалиёти кенг тарқалган бўлмаса ҳам, комботант аёллар сони иккинчи жаҳон уруши туфайли илгаригига қараганда жуда ортиб кетди.

Жумладан, ҳарбий ҳаракатда иштирок этаётган комботант аёллар аҳолидан ажралиб туришлари, яъни махсус белги туширилган кийимларни кийиб юришлари лозим. Уларни бирмунча узоқ масофадан ажратиш имкони бўлиши керак.

Мабодо бунинг иложи бўлмаса, ҳарбий қуролларни очиқ кўтариб юришлари зарур бўлади. Бундай аёллар асирга тушган тақдирда комботантга хос муносабат талаб қилишлари мумкин. Комботант деб топилмаган ҳолатда ҳам ҳуқуқий мақоми Женева Конвенциялари кўрсатмаси талаби асосида ҳал этилиши керак.

Комботант аёлларни асирга олинган ҳолатдаги мақомини белгилашда бир қатор қоидаларни эътиборда тутиш керак. Жумладан,

а) Аёллар қўшимча хизмат ходимлари бўлиши мумкин;

б) Савдо флоти ва фуқаро авиацияси хизматчиси ёки объектив сабабларга кўра ҳарбий ҳаракатларда иштирок этаётган бўлиши мумкин;

в) ҳаракатдаги қўшин орқасидан юрадиган, яъни турли хизматлар кўрсатадиган хизматдаги аёллар;

г) қамал қилинган ҳудудда асир олинган, лекин ҳарбий ҳаракатларда вақтинча иштирок этмаётган аёллар;

д) тиббий ёрдам ходимлари;

з) диний ва маънавий ёрдам кўрсатувчи ходимлар;

ж) душман томон тўсатдан бостириб келганда, ҳаракатдаги армия аъзоси бўлмаса ҳам, ўз ихтиёри билан қуролланиб, яқинлашаётган душманга қарши чиққан шу каби бошқа тоифадаги аёллар. Бундай аёллар комботант бўлмасалар ҳам уларга асир олинган ҳолатларда комботантга нисбатан қўлланадиган барча қоидалар қўлланилиши лозим.

Аёлларни умумий ҳимоя қилишдан ташқари махсус ҳимоя қилиш ҳам мавжуд.

Женева Конвенцияси Баённомасига биноан асирга олинган ҳомиладор ҳамда ёш болали аёллар биринчи навбатда ҳимояга олиниши ва улар билан боғлиқ муаммолар ҳал қилиниши лозим. Мазкур тоифадаги аёллар ва комботант аёллар бир хил шароитларда сақланиши, нейтрал давлатларга кўчирилиши, бунинг иложи бўлмаса, уларни репатриация қилиш мақсадга мувофиқ деб топилади.

Аёл асирлар сақланадиган лагерларда тиббий ва тозалик масалаларига алоҳида аҳамият берилиши энг биринчи ёрдам сифатидаги нуфузга эга.

Женева Конвенциясининг 49-моддасида асир меҳнатидан фойдаланишга рухсат берилган бўлсада, лекин ундаги қоидаларга амал қилган давлатни топиш амримаҳол. Аксарият ҳолатларда нафақат халқаро низолар, ҳаттоки фуқаролик уруши жараёнида ҳам асирларнинг конвенцияларда назарда тутилган ҳуқуқлари тўла-тўкис таъминланиши керак.

Айниқса, жазони тайинлашда аёлларга нисбатан дифферент муносабатдан келиб чиқиш лозимлиги таъкидланган.

Женева Конвенциялари заиф ҳамда ҳимоятталаб бўлган пайтдаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутади.

Инсоният тарихида инқилоб ёки қуролли тўқнашув юз берган бўлса, бунинг оқибатида биринчи навбатда аёллар бошига турли кулфат ва балолар ёғилган. Шунинг учун инсон ҳуқуқлари концепцияси мустаҳкам бўлиши, давлатларнинг мажбурияти, халқаро ҳуқуқий нормаларни бажармагани учун жавобгарлиги ҳақидаги Декларация қабул қилиш фойдадан холи эмас.

Декларация ҳуқуқий ҳужжат сифатида мажбурият юкламаган тақдирда ҳам, аммо маънавий жиҳатдан аёлларга нисбатан низолашаётган томонларнинг юмшоқ ва инсоний муомалада бўлишига хизмат қилиши мумкин. Мазкур Декларацияда аёлларни ҳимоя қилиш асосий мақсад қилиб қўйилса, уруш аланга олган ҳудудларда Женева Конвенциясининг асосий меъёрлари ишлашига замин яратади.

Шу ўринда IV-Женева Конвенциясининг 27-моддасига мувофиқ аёллар шаъни ва қадр-қимматига нисбатан ҳар қандай тазйиқ ва таъқиб, зўрлаш, номусига тегиш каби жиноятлардан холи бўлиши назарда тутилган. Лекин иккинчи жаҳон уруши жараёни, Бангладеш, Камбоджа, Руан ёки Югославиядаги қонли воқеалар аёлларнинг эрк ва ҳуқуқи ҳуқуқий ҳужжатлардан қанчалик узоқ эканини кўрсатади. Женева Конвенцияларининг 560 та моддаси уруш қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлса, шулардан 40 таси фақат аёллар ҳақ-ҳуқуқини сақлашга қаратилган. Бироқ ҳар қандай уруш ҳаракатларида аёллар ҳуқуқи бузилиши ҳуқуқий асос етишмаслигида эмас, аксинча, инсониятнинг маънавий тубанлиги, маданият ва онг даражаси пастлигига бориб тақалади.

Энг муҳими шундаки, уруш ёки бошқа ноқулай шароитда энг аввало заифа хотин-қизлар ёрдамга муҳтож бўлишар экан. Ана шундай ҳолатда уларни устига-устак қийнаш ёки хўрлашни ҳеч бир инсоний табиат кўтара олмайди.

Гулчеҳра МАТКАРИМОВА,
доцент

1. Комботант — (фр.Kombattant) асир тушган аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқи деган маънони англатади.

Савол ва сабаб

ОДАМЛАР НЕГА ШИКОЯТ ЁЗАДИ?

БЕШИНЧИ МАҚОЛА

Гапнинг очиғи, таҳририятимизга келаётган барча мактубларни газетада чоп этишнинг иложи йўқ. Лекин уларни асло беэътибор қолдирмаймиз. Айримларини чоп этсак, қолганларини мутасадди ташкилотларга жўнатамиз. Уларга мурожаат қилиб, бизга мактуб йўллаган фуқароларнинг арзи-ҳолларини эшитишни, ёрдам беришни сўраймиз. Шикоятчиларнинг муаммоси ҳал бўлганини эшитсак, бошимиз осмонга етади. Шу билан бирга баъзида мактубларни эълон қилганимиздан сўнг шундай ҳолатларга ҳам дуч келамизки, ҳайратдан ёқа ушлашдан бошқа илож йўқ. Дейлик, кимдир жамоа хўжалиги ёки завод раҳбариятининг ноқонуний хатти-ҳаракатини қаламга олади. Мана шу мактуб газетада чоп этилса, танқид қилинган томон нолиб қолади: **"Шу арзимаган нарсани ҳам матбуот орқали овоза этиш шартмиди?"...** Қизиқ қарама-қаршилик: улар шу саволга нега вақтида жавоб изламади экан?

Шу ўринда яна бир масалага тўхталиб ўтиш жоиз. Газетада эълон қилинган аксарият танқидий мақола ёки таҳририсиз мактубга мутасаддилардан жавоб келади. Уларнинг кўпчилиги "газетанинг фалон сонида чоп этилган фалон мақола юзасидан текшириш ўтказилди. Шикоятчининг даъволари қисман тасдиқланди. Камчиликларни бартараф этишнинг чора-тадбирлари белгиланди", қабилида битилган. Хўш, бунинг нимаси ёмон, дейиш мумкин. Гап шундаки, баъзида **"чора-тадбирлар белгиланган"**и ёлғон экани ҳам учраб туради. Улар бу билан кимни алдашади: таҳририятними, шикоятчиними ёки ўзларини?..

Энди мактубларга эътибор қаратсак. Муҳтарам муштарийларимиз эсдан чиқармаган бўлса, газетамизнинг ўтган — 2001 йилнинг 18 декабр сонида ҳам "Одамлар нега шикоят ёзади?" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда Андижон шаҳри, Дукчи эшон номидаги кўчанинг 4-уйидаги 20-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Анорхон Шаробиддинованинг шикоят мактуби чоп этилган эди. Шикоятчининг ёзишича, унинг уйида 2000 йилнинг сентябрь ойида ўғирлик содир этилган. Ўғриларнинг кимлиги аниқ бўлса-да, тегишли идора бу масалага эътибор бермаган. Ана шу мазмундаги мактубга вилоят прокуратураси Ички ишлар идораларида тергов ва суриштирувни назоратга олиш бўлими бошлиғининг 2000 йилнинг 1 декабрида шикоятчига йўллаган жавоб хати ҳамда Андижон шаҳар прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси М.Курбоновнинг 2001 йилнинг 10 июлида шикоятчига йўллаган жавоб хати илова қилинган эди. Мақолада шундай жумлалар битилганди: **"... Ана холос, биринчи жавоб хати 2000 йилнинг 1 декабрида берилган, иккинчи жавоб хатида 10.06.2001 санаси қайд этилган. Ҳар иккала жавобда ҳам "жиноят иши қўзғатилган"и таъкидлаб ўтилади. Биз эса мақолани 2001 йилнинг декабрида қоралаяпмиз. Ана энди ўртадаги вақтни чамалаб, А.Шаробиддинова нега таҳририятга шикоят ёзгани ҳақида ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг..."**

Яқинда А.Шаробиддиновадан яна мактуб олдик. Шикоятчининг ёзишича, "қўзғатилган жиноят иши" ўша ҳолида силжимай турган эмиш. Шу боис жиноятчилар ким ва улар қачон қонуний жазо олади, деган саволни яна такрорлашга мажбур бўлдик...

Мана бу шикоятни Қарши шаҳрида яшовчи Сурайё Бекмуродова йўллаган:

"Мен ўтган йилнинг 22 декабрида Қарши шаҳрида ўтказилган "Ҳамшира — 2001" республика кўрик-танловида иштирок этиб, фахрли биринчи ўринни эгалладим. Кўрик-танлов шартларида ғолибага "Тико" автомобили берилади, дейилган эди. Дарҳақиқат, ғолиб бўлганимдан сўнг менга тантанали равишда "Тико" русумли автомашина топширилди. Тантанали йиғилишда "Тико"нинг калитини қабул қилиб олдим...

Кексаларимиз "ҳамма ишнинг охирини берсин", деб дуо қилишса, ҳайрон қолардим. Кўрик-танлов ғолибаси бўлиб, "Тико"лик бўлгач, бу дуонинг қай мақсадда айтилишини ҳам билиб олдим. Чунки мен ғолиб сифатида эътироф этилиб, "Тико" билан тақдирланганим, машина калитини тантанали равишда қабул қилишим ишнинг аввали экан. Охирига келиб ҳаммаси тескари бўлиб кетди. Тантанали йиғиндан сўнг, ўзим фаолият кўрсатадиган вилоят сил касалликлари диспансери бош врачи Абдулла Равшанов машинани ҳайдовчисига ҳайдатиб, уйига олиб кетди. Нега бундай қилаётганини сўрасам, "машина сенга эмас, жамоага берилган", деб айтди. Қизиқ, кўрик-танловда жамоа эмас, мен ғолиб чиқдим-ку?! Қолаверса, кўрик-танловнинг низомида ҳам "Тико" автомашинаси жамоага эмас, биринчи ўринни олиб, ғолиб бўлганга берилади, деб кўрсатиб қўйилган.

Хуллас, яқин тўрт ойдан буён ўз мукофотимга эга бўлолмай овора-ю сарсон бўлиб юрибман. Менинг бузилган ҳақ-ҳуқуқимни ким тиклайди?".

Хўш, энди бунисига нима дейсиз? "Тико"нинг қонуний эгаси ким? Нега Сурайё Бекмуродова идорама-идора юрибди? Агар машина кўрик-танлов ғолиби эмас, вилоят сил касалликлари диспансерига тегишли бўлса, нега аризачига бу ҳақда ўз вақтида тушунтирилмади? Саволлар кўп. Лекин шикоятчига савол эмас, жавоб керак...

Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон туманидаги Т.Шобуров номидаги ширкат хўжалигининг 13-бригадасида яшовчи М. Худойбердиеванинг шикоят хатидан кўчирма:

"2001 йилда Жарқўрғон деҳқон бозори ҳудудидаги 10-сонли дўконни олдим. Амалдаги қонунларда кўрсатилган барча тўловларни ўз вақтида тўлаб бораман. Лекин шунга қарамасдан бозор маъмуриятидагилар қўшимча равишда ҳар куни 150 сўмдан пул йиғиб оладилар. Бу ҳам камлик қилгандай ҳар ойда ўзаро йиғим, деб яна 3200 сўмдан тўплаб берамиз. Барча қонуний тўловларни тўлаб турган пайтимизда бозор маъмурияти томонидан қўшимча маблағ олинишини қандай изоҳлаш мумкин. Бу қонунларимизга тўғри келадими?.."

Биз аввалги мақолаларимизда ҳам таъкидлаб ўтган эдик: шикоят йўллаган ҳар бир муштарий ўзини ҳақ ҳисоблайди. Шу боис биз кимнидир ҳақ ёки ноҳақ деб ҳукм чиқариш фикридан йироқмиз. Лекин келаётган ҳар бир шикоят хатини текшириб кўриш имкониятимиз йўқ. Шунинг учун ҳам уларни газетамизда имкон даражасида чоп этиб борамиз.

Мана, яна шундай шикоятлардан бири. Уни таҳририятимизга Тошкент вилояти, Пискент тумани, Бобур номидаги кўча, 48-уйида яшовчи Раъно Умаралиева йўллаган:

"Собиқ турмуш ўртоғим ва унинг рафиқаси мен яшаб турган уйда ўғирлик жиноятини содир этишди. Менинг шахсий мол-мулкимни талон-тарож қилдилар. Хусусан, 2001-2002 йиллар давомида улар бир неча марта менинг уйимга келиб, мол-мулкларимни ўғирлаб кетишган. Бўлиб ўтган жиной ҳаракатлар тўғрисида бир неча марта Пискент тумани ИИБси ва прокуратурасига аризалар билан мурожаат қилганман. Негадир мен ёзган аризаларим эътиборсиз қолдирилмоқда...".

Албатта биз ўғирликни унинг собиқ турмуш ўртоғи қилган, деган фикрдан йироқмиз. Лекин шикоятчининг ёзишига қараганда, унинг уйида ўғирлик бўлган. Демак, кимдир жиноят содир этган. Агар жиноят содир этилмаган бўлса, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари буни исбот қилиб беришлари керак эмасмиди? Хуллас, ушбу саволнинг ҳам жавобини очиқ қолдирамиз...

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, ҳар бир шикоят хати бекорга ёзилмаган. Уларда инсон манфаатлари ўз аксини топган. Албатта, ҳар доим таъкидлаганимиздек, ниятимиз бировга қозилик қилиш эмас. Мақсадимиз одамлар дардига дармон бўлиш, қонунчиликка қатъий равишда амал қилишга даъват этиш, холос. Ўйлаймизки, мутасаддилар ҳар бир арзномага эътибор қаратишади ва уларга амалий ёрдам кўрсатишади.

Ислом ҲАМРО,
"Инсон ва қонун"нинг махсус мухбири

Қарор ва ижро

ҚОНУННИ ҚЎЛЛАГАННИНГ ҚЎЛИ БАЛАНД

ЁКИ

ҲАЁТИНГИЗ ХАВФСИЗЛИГИНИ КИМЛАРГА ИШОНАЁТГАНИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Ҳаёт тарзимиз тез ўзгариб боряпти. Бозор муносабатлари жараёни эса тобора чуқурлашаяпти. Ўсиш-ўзгартириш ва янгиланишлар. Бу нарса транспорт соҳасида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимиз автотранспорт хўжалиги мулкий ранг-баранглик шакл-тамойилларини кашф этган ҳолда бутунлай янгидан шаклланди. Ҳозир кўча ва йўлларимизда жамоат автотранспорти билан бир қаторда хусусий автоуловлар ҳам халқимизнинг узоғини-яқинини, оғирини-енгил этаяпти. Чоратрофимизда ҳожатбарор автотранспорт воситаларининг бисёрлиги айни муддао. Йўловчиларга автоуловлар воситасида хизмат кўрсатишнинг ҳозирги ҳолати одамларга нечоғли манзурлигини қанчалик кўп таъкидламайлик, бу ҳолат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари олдига қанчалар кўп вазифа, масала ва муаммоларни кўндаланг қўяётганини ҳам дангал айтмоғимиз зарур.

Ҳаракат хавфсизлиги ходими сифатида эътиборимизни кўпдан буён Ҳазорасп бозори автобекатлар ҳолати ўзига жалб этиб келади. Аввало, бозордаги бекатларни шинам, қулай, обод, ораста деб бўлмайди. Аммо ташвишланарлиси бу ҳам эмас, бозор атрофидаги мазкур бекатларга ҳар куни юзлаб, ҳатто минглаб автотранспорт воситаларининг келишидир. Куни кеча "Инсон ва қонун" газетаси мухбирлик пункти билан ҳамкорликда ушбу бозорга қатновчи автобус ва енгил автомашиналар ҳайдовчиларининг **"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"**ги Қонуннинг «Йўловчилар ташиш ва хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар»ни, шунингдек, "Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш" юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг (1997 йил 31 июлдаги 378 сонли ва 2000 йил 11 декабрдаги 472 сонли) қарорларига риоя этиш соҳасидаги ишларнинг аҳволини атрофлича ўргандик.

Амин бўлдикки, йўловчиларга хизмат кўрсатувчи турли уюшмалар, акциядорлик жамиятлари ва уларга қарашли автоуловларда амалдаги ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар талабларига анча эътибор билан қаралаяпти. Бундай жамоаларда ҳайдовчилардан талаб этиладиган расмий ҳужжатларнинг деярли ҳаммаси мавжуд. Энг муҳими, улар орасида ҳаракат қоидаларини бузувчилар бошқаларга қараганда, бир неча баробар кам учрайди. Улар қарамоғидаги машиналарга техник хизмат кўрсатишнинг аҳволини ҳам ёмон дея олмаймиз. Негаки, бу вазифани асосан транспорт уюшмалари адо этади. Аҳолига хизмат кўрсатаётган ҳайдовчиларнинг қимматли вақтлари шу тариқа тежалаяпти. Аммо хусусий автотранспорт эгаларининг кўпчилиги ҳалигача йўловчиларга хизмат кўрсатувчи уюшма ва ассоциацияларга аъзо сифатида қабул қилинмаган. Хусусан, ҳайдовчининг тиббий кўрикдан ўтмай туриб машина бошқаришини жиддий қоидабузарлик деб биламиз. Йўловчиларга хизмат кўрсатувчи транспорт воситаларининг техник созлиги ҳаракат хавфсизлигининг энг муҳим шартларидан бири десам янглишмайман. Минг афсуски, хусусий автоуловларнинг эгалари, ҳайдовчилари техник қаров хизматидан деярли бебаҳра қолишаяпти. Тиббий кўрикдан ўтган ҳолда хизмат кўрсатаётган хусусий автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини учратмадик. Машиналарнинг техник созлигини кафолатловчи далил — ҳужжатлар ҳам йўқ ҳисоби. Шу ўринда ҳукмингизга 2 та солиштирма далилни ҳавола этамиз.

Биринчи далил: давлат ва жамоалар тасарруфидаги йўловчи ташиш воситаларида содир этилаётган қоидабузарликлар, кўнгилсиз воқеалар кўлами муттасил қисқараяпти.

Иккинчи далил: шахсий фойдаланишдаги автомобилларни бошқараётганларнинг айби билан рўй бераётган тартиббузарлик ва йўл-транспорт ҳодисалари сони тез суръатлар билан ортаяпти. Бу ҳолатга қўл силтаб кетолмаймиз, албатта. Бироқ йўл ҳаракати хавфсизлигига доир Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг иккита қарори маъсулият ва ижрони ҳайдовчи ёки нозирдан ташқари манфаатдор ва мутасадди тарафларнинг ҳаммасидан бирдек сўрайди. Шундан аёнки, транспорт, йўл қурилиши хўжаликлари, маҳаллий бошқарув ва ўзини-ўзи бошқариш тизимлари олдида ниҳоятда катта ва маъсулиятли вазифалар турибди. Айрим мутасадди идоралар ишга сусткашлик билан ёндашаётган бўлсалар, айримлари унга панжа орасидан қарашяпти. Оқибатда Вазирлар Маҳкамасининг амалдаги ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларга суянган ҳолда 2001 йил 20 ноябрда жойларга йўллаган 447-сонли кўрсатмаси ҳам тўла-тўкис рўёбини топганича йўқ.

Агар ушбу ҳужжат талаблари бекаму кўст бажарилганида шаҳарлараро йўналишларда қатнаётган хусусий транспорт воситалари деярли бўш ётган автобекатларга ўтган йилнинг 1 декабрданоқ жалб қилинган ўринлар учун чипта сотуви йўлга қўйилган, унинг тушумларини эгаларига топшириш чоралари кўрилган бўларди. Хусусий йўловчи транспорти воситаларини юридик мақомдаги автошоҳбекатларга жамлашнинг аҳамияти катта. Иш шу тартибда уюштирилса, мамлакатимиз пойтахти ва бошқа ҳудудларга атиги битта шаҳарнинг 5-6 нуқтасидан қатнаётган автобуслар ягона бекатга жамланади. Бунинг шарофатидан қатновлар аниқ маром олади. Айни кезда эса ушбу "кўлбола" бекатларга келаётган йўловчилар автобуслардаги бўш ўринларнинг тўлишини кун бўйи кутиб, қимматли вақтини шамолга совураяпти. Бундан ташқари, узоққа қатновчи автобусларга техник хизмат кўрсатиш, ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш каби қатор муҳим масалалар ҳам ечимини топади. Яна бир муҳим вазифа йўловчи ташийдиган хусусий автотранспорт эгалари ассоциацияларини барча шаҳар ва туманларда вужудга келтиришдан иборат. Бундай уюшмаларнинг жойларда шаклланиши туфайли юқоридаги муаммоларнинг аксарияти ўз ечимини топади. Яъни йўловчи транспорти қатновини уюштириш билан боғлиқ кўпгина юмушлар, шу жумладан, қайд этилган ташкилий-техник тадбирларни мазкур уюшмалар ўз зиммасига олади. Бу билан кўпгина оддий ҳайдовчилар кўрсатиб ўтилган ташвиш ва юмушлардан халос бўлишади. Ушбу ассоциацияларни шакллантириш билан боғлиқ вазифаларни адо этиш учун махсус комиссиялар, муваққат ишчи гуруҳлари ташкил этилишини мақсадга мувофиқ бўлади. Комиссия ва гуруҳлар даставвал хусусий транспорт воситалари йиғиладиган манзилларни аниқлаб, пировардида уларни деярли бўшаб қолган шоҳбекатларга жамлаш билан боғлиқ талай тадбирларни уддаламоқлари талаб этилади. Йўловчи транспорти ва унинг олдига қўйилаётган юксак талаблардан бежиз сўз очаётганимиз йўқ. Таъкидланганидек, қайд этилаётган аксарият қоидабузарликлар, содир қилинаётган йўл-транспорт ҳодисалари бошида хусусий тарзда фаолият кўрсатаётган автобус ва енгил такси машиналари ҳайдовчилари туришибди. Фуқаро Давронбек Давлатов томонидан ижарага олинган 22AF899 рақамли (Машина аслида Питнак шаҳридаги 3-сон кўчма механизациялашган жамланмага тегишли) автобусда эса нуқсонлар қалашиб ётибди. Ундаги йўловчилар сони меъёрдан анча кўплигини балким кечириш мумкин бўлар. Бироқ ҳайдовчи укамиз автобусни техник жиҳатдан ўта носоз ва йўловчи ташиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия) сиз бошқараётгани ва ноқонуний равишда ишлаётганига нима дейсиз? Ўзининг 14Е1673 рақамли "ИКАРУС-250" русумли автобусини носозлигига қарамай узоқ Самарқанддан Хоразмгача бошқариб келган Маматсолай Багировнинг "мардлиги"га ҳам тан бердик. Бундай мардликка уни чўнтак дарди ундагани аниқ. Қонунларимиз ҳам қўллаганни қўлламоғи, хор этганни жазоламоғи керак. Таъкидлаймизки, бу замонада очкўзликка, олғирликка, юлғучликка, бемеҳнат топиладиган даромадларга ўрин йўқ. Замонавий шаҳар ва қишлоқларимиз йўлларида ҳаракатланаётган автоуловлар ва транспортлар ҳар жиҳатдан соз бўлиши йўловчиларнинг хавфсизлигига кафолат беради.

Сафарбой НАЗАРОВ,
Хоразм вилояти

Оталар дейдики:

Фарзандлар туфайли меҳнат қувончга айланади, ҳаётинг мазмун касб этади, ўлим даҳшати нари чекинади.

* * *

Маълумки, одам биринчи тарбияни онасининг бағрида олади. Шунинг учун у ҳаётда энг муҳими ҳисобланади.

Биринчи тарбиянинг таъсири одам табиатига мустаҳкам ўрнашади. Шахс руҳияти, ахлоқ жавҳари ва одатлари болалигиданоқ шаклланади.

Фаровонлик кўприклари

ҚИНҒИРЛИК ДОҒИ

(Боши учинчи бетда)

Бунинг эвазига 93-сонли чиқим ордери билан 24 минг сўмни "э, бор-ей, кетса, отамнинг ёнидан кетибдими", дея ўзлари тасдиқлаб, пулни ғазнадан қуртдек санаб олишди. Аслида вақтинчалик бошлиқ Ғ.Бобохонов ўша кунлари завод ҳовлисидан ташқарига чиқмаган, чиққан бўлса ҳам уйига борган эди...

Иш ҳақи ҳисобчиси Р.Мавлонова, ғазначи Ш.Жумаев, вақтинчалик раҳбар Ғ.Бобохонов, бош ҳисобчи А.Холовлардан иборат "пултопарлар" энди ҳадеб хизмат сафарига ёпишишдан хавотирланганларича мўмай даромад топишнинг бошқа йўлларини излашга киришдилар.

Бошқа йўллари ҳам топилди. Улар ўзаро келишган ҳолда гўё корхона ходими Усмон Бобоназаровга 5000 сўмлик "овқат пули берилди" қабилида сохта ҳужжат тайёрлаб, уни ўзлари тасдиқлашиб, "олдим" ва "бердим" тўлов ҳужжатларига имзолар чекишди. Корхона ғазнасидан олинган пул ҳали ҳеч нарсадан бехабар У.Бобоназаров чўнтагига эмас, «ғиштепарлар»нинг жиғилдонидан ўтиб кетди.

— Абдужаббор, шу майда пулларни йиғиштир. Каттароқлари бордир. Қандайдир минг сўмлар учун имзо чекиб юрамизми, ука?! — деди вақтинчалик бошлиқ Ғ.Бобохонов.

— Ғофур ака тўғри айтаяпти. Иложи бўлса, қўлимиз дурустроқ пул кўрсин-да, бухгалтер, — деди ғазначи Ш.Жумаев.

— Менда бир фикр бор, — деди ҳовлиқиб маслаҳатга иштирок этаётган иш ҳақи ҳисобчиси Р.Мавлонова. — Ишчиларга ойлик берилди деб тўлов ҳужжати қилайлик. Қарабсизки, пул кўргандай бўламиз. Тўғрими, бухгалтер ака?!

— Мен сизларга айтсам, бўлмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Борни йўқ қилиш ҳам мумкин. Йўқни... — дея ҳамфикр бўлди бош ҳисобчи.

Шундай ўзаро маслаҳатдан сўнг 1999 йил июл ойида 19 нафар ишчилар номига ёзилган 77-сонли пул тўлов ҳужжати билан 68 минг 500 сўмлик иш ҳақи гўёки ишчиларга берилди, деган сохта ҳужжатлар тайёрланди. Уларнинг ҳар бири хизмат доирасидаги расмий ҳужжатни тасдиқлаб, имзо чекканларича пулни ўзаро тақсимлаб олишди. Гуруҳ аъзолари танга ҳам пул бўлади қабилида мўмай даромад тешикларини излаб, ямлаб бошаверади. 1999 йилнинг август ойида яна корхона ходими Усмон Бобоназаров номига 91-сонли сохта ҳужжатни расмийлаштирилиб, гўё 7601 сўм пул "ошхона учун берилди" қабилида улар томонидан гумдон қилинди.

1999 йил 7 август куни эса корхона бош механиги Ўктам Кенжаев номига аслида тузилмаган меҳнат битимини тузилди, дея 95-сонли сохта ҳужжатга 10.000 сўм пулнинг чиқим ордерини ўзлари тасдиқлашди. Энди бу талон-тарож қилувчилар «бирлашмаси»га корхона раҳбари Х.Менгбоев ҳам "аъзо" бўлди. Шу сабаб 11 август куни яна Ўктам Кенжаев номига "ҳисобот" пули деб 20000 сўм 99-сонли сохта ордер билан тасдиқланиб, У.Кенжаевнинг имзоси қалбакилаштирилиб, талон-тарож қилинди.

Ўша йили, тўғрироғи, 16 августда бош ҳисобчи А.Холов яна "хизмат сафарига" бориб келди. Албатта, бепул боргани йўқ. Ҳаттоки ўша кунлари ишхонаси бўсағасидан нарига ўтмаган бош ҳисобчига "хизмат сафари"да бўлгани учун 106-сонли чиқим ордери билан унга 15.000 сўм нақд пул "тўланди". Гуруҳ аъзолари ғишт заводининг барча тешик жойларига бош суқишдан қайтмадилар. 2000 йилнинг 17 январ куни ўзлари томонидан тасдиқланган сохта ҳужжат билан 14.996 сўмлик, аслида олинмаган канцтоварларни олинди дея ҳужжатлаштирилди.

Корхонанинг ғазнаси улар учун гўё туганмас хазинага айланиб бораверди. 2000 йил январ ойида корхона ишчиси Баҳодир Азизов номига ёзилган тўловномага 500 сўм ёзиб имзо чектиришди. Сўнг тўлов ҳужжатига ғазначи Ш.Жумаев ўша 500 ёнига яна битта ноль рақамини қўшгандан кейин хазинадан 5000 сўм олинди. Қараса, ишлар "беш". Ҳеч ким сезмай қолди. Ғазначининг нафаси ҳакка отиб, бунга ҳам қаноат қилмади. Сохта рақамларни қўллаб пул топишини шериклар билмай қолганлигидан фойдаланиб, корхона ишчиси Шуҳрат Раҳмоновга берилган тўлов қоғозидаги 500 сўм рақами олдига «6» ни ёзиб қўйди. Қарабсизки, бир рақам билан корхона хазинасидан 6 минг сўмни олиб, туя кўрдингми, йўқ, дея лабини ялаб, жимгина юраверди.

2000 йил 3 мартдаги 13-сонли чиқим ордерига М.Нурматов номига 17.864 сўм нима мақсадда берилаётгани кўрсатилмасдан шунча пул ёзилиб, қалбаки ҳужжатлар билан талон-тарож қилинди. Корхона ходими У.Жўраев номига ёзилган 8000, жамият ходими М.Тошоев номидаги 14000 сўмлик "ҳисобот" пули, Ш.Раҳмонов номига ёзилган аслида 4487 сўм, 14487 сўм қилиб қалбакилаштирилган қанчадан-қанча пуллар уларнинг жиғилдонига сувдек оқиб тушаверди.

— Каттароқ ўмаришнинг иложи йўқми? — деб сўради таътилдан қайтган бошлиқ Х.Менгбоев.

— Албатта, бор-да. Энг яхши йўли тўловнома ёзиладиган иш ҳақи. Каттароқ олай десак, мен тўлдирай, сиз тасдиқлаб беринг, — деди бош ҳисобчи А.Холов.

— Нима қилиб турибсан, ишга киришмайсанми, галварс. Обкел, тасдиғини мендан олавер, — деди бошлиқ.

Бу олғирлик бош ҳисобчига қанот бағишлади. Орадан бир кун ўтар-ўтмас бош ҳисобчи 2000 йил март ойидаги 28-сонли тўловномага 45 нафар корхона ишчиларининг исм-шарифи ёзилган 188.257 сўмлик ҳужжатни раҳбарнинг жимжимадор имзоси билан тасдиқлатиб олди-ю, хазинадан ўмарилган пул ишчиларни четлаб ўтиб, "бошлиқлар"нинг чўнтагига кирганча ғойиб бўлди. Каттароқ даромад унгандан сўнг бундай тўлов ҳужжатларининг сони кўпайиб бораверди. 2000 йил март ойи охирида 29-сонли тўловномага 44 нафар ишчининг номи кўрсатилиб, гўёки уларга 196.743 сўмлик иш ҳақи тўланди қабилида тузилган сохта ҳужжатлар ёрдамида шунча пул талон-тарож қилиб юборилди. Ўша йилнинг май ойидаги 44-сонли чиқим ордери билан 310.000 сўм, 47-сонли тўлов ведомостида кўрсатилган 44 нафар ишчи номига ёзилган 448.000, 48-сонли тўловномадаги 25.000 сўм, 50-сонли 22 нафар ишчига ёзилган 60.000 сўм раҳбар, бош ҳисобчи, ғазначи ва иш ҳақи ҳисобчиси ўрталарида ўзаро бўлишиб олинди. Хуллас, корхона хазинасидаги миллионлаб пуллар талон-тарож қилинаверди. Гуруҳ аъзоларини бу ҳам қониқтирмади. Энди улар корхонада тайёрланаётган маҳсулот устига ўргимчакдек тўр ташлаш пайида бўлдилар.

— Нақд пулга ғишт сотишни йўлга қўйиш керак, — деди Х.Менгбоев бош ҳисобчи А.Холовга. — Пул эмиссияси деган гаплар бор. Бажарайлик-да, лекин ўзимизни ҳам унутмайлик...

— Отангизга балли, — деди ялтоқланиб бош ҳисобчи.

— Шунинг учун раҳбар-да бу киши, — дея қўшилди ғазначи Ш.Жумаев.

— Бўлди, бўлди. Қуруқ гап қулоққа ёқмас. Ҳозир қабулхонамда мижозлар ўтиришибди. Уларга ғишт керак экан. Нақд пул эвазига олсанглар бор, дедим. Қалай, тўғри айтибманми? — деб ғўддайди бошлиқ.

— Ҳа, тўғри айтибсиз, раис, нақдига ўйнанг, нақдига, — деб уни қўллаб-қувватлашди шериклар.

Нақд пул билан ғишт олиш учун келган фуқаролар Мурод Исматов, Ҳайрулло Бобожонов, Фозил Баҳриддинов, Абдулло Тошевлар завод раҳбари олдига киришди:

— Ака, ғишт олмоқчи эдик, — дейишди мижозлар.

— Нақд пул билан бўлса, тўғри бош ҳисобчи А.Холовга бориб учрашаверинглар. Пулини тўлаб, ўша одамдан керакли ҳужжатни оласизлар, — дея йўл кўрсатган бўлди бошлиқ.

Мижозларга сотилган 41.888 дона ғиштнинг 211.600 сўмлик нақд пули корхона хазинасига кирим қилинмасдан, юқоридаги келишувга асосан ҳар бир шерик ўз улушини олганича гумдон қилиб юборилди. Албатта, буларнинг ҳаммаси сохта ҳужжатлар билан расмийлаштириб қўйилди.

Пишган ғиштнинг бозори чаққон бўлиб қолди. Ҳиссадорлик жамияти бошқарув раиси Х.Мингбоев ҳузурига кирган Меҳмон Жумаев, Дилшод Эрниёзов, Имом Икромовлар ҳам "бош ҳисобчи"га учрашиш лозимлигини билиб олишди. Бош ҳисобчи А.Холов ғишт сўраб келган М.Жумаевдан 5000 дона ғишт учун 25.000, Дилшод Эрниёзовдан 22.000 дона ғишт учун 88.000 сўм, И.Икромовдан 300 дона ғишт учун 1500 сўм нақд олган пулларни сохта ҳужжатлар билан туя кўрдингми йўқ, қабилида йўқ қилиб юборди. Пишган ғишт бозоридаги "савдо" кун сайин авж олиб бораверди. Биз мақолада уларни бирма-бир санаб ўтсак, балки қоғоз етмас, ўқувчи ҳам зерикиб қолар.

...Шарғун ғишт заводидаги талон-тарожликлар ҳисоблаб чиқилса, миллионларни ташкил этади. Олғирлик офат келтирар, баднафслик — ҳалокат, дейишади халқимиз. Ғишт тайёрлаш корхонасидаги бундай қинғирликларнинг сири ошкор бўлди. Улар суд олдида жавоб беришиб, тегишли жазоларга тортилади. Аммо тўппа-тузук, оқу қорани таниган бир неча амалдорларнинг ана шу қинғир ишлари корхонада ҳалол меҳнат билан ҳаёт кечираётган оддий, содда кишилар тайёрлаётган ғиштларда қора доғ бўлиб қолди, холос...

Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

— Доктор, эрим ўзини от деб тасаввур қилаяпти. Сули еяпти, оёғига тақа қоқиб олди, гапирсам — кишнайди. Уни даволай олмайсизми?

— Албатта, даволай оламан. Лекин бу жуда қимматга тушади.

— Пул масаласи бизга чўт эмас. Ўтган ҳафтанинг ўзида эрим пойгада икки марта биринчи бўлиб маррага келди...

* * *

— Эрингиз жиннихонага кетганмиш, ростми?

— Ҳа, рост. Лекин бемор сифатида эмас, тафтишчи сифатида кетди. Жиннихонада бешта Наполеон бор экан. Шулардан қайси бири чиндан ҳам Наполеон эканини аниқлаш лозим экан.

* * *

— Икки хотинлик нима билан жазоланади?

— Иккита қайнона билан.

Жаҳолат

СИНГЛИСИГА ҚАСД ҚИЛГАН ОПА

Нилуфар билан Фарида опа-сингил эди. Халқимизда "ўнта бўлса ўрни бошқа" деган гап бор. Назир Одилов ҳар икки қизини бирдай яхши кўрар ва тарбиялар эди. Бироқ опа-сингил балоғат ёшига етган сари уларнинг ўртасида қандайдир тушуниб бўлмас даражада муроса қоча бошлади.

Ота ҳам қизларини ўз ҳолига ташлаб қўйди. "Бири эт, иккинчиси тирноқ". Бир қориндан талашиб тушган опа-сингил, бир кун уришади, эртасига ярашади-да.

Ҳақиқатдан ҳам шундай эди.

Аммо 2001 йилнинг 17 май кунидаги опа-сингил орасидаги ўзаро айтишув фожиа билан якунланди.

— Эшик ичкарисидан қулфланган эди, — дейди жиноят содир этилган жойга биринчи бўлиб ёрдамга етиб келган Раҳбар Давидов. — Ичкарида эса аёл кишининг "ёрдам беринглар" деб бақираётгани эшитиларди. Эшикни очишни талаб қилдим. Бироқ эшик маҳкам зичлаб беркитилган эди. Эшикни қаттиқ тепа бошладим. Ниҳоят, очилди. Нилуфарнинг қўлидаги латта қон эди. Бироқ у тоза кийим-бошда бўлиб, жиноят содир этган уст-бошларини алмаштирганча ичкарига пичоқ билан бирга яшириб қўйибди. Ўзи полдаги қон изларини артиб-суртаётган экан.

— 16 май куни Фариданинг туғилган кунини нишонладик, — дейди Назир Одилов. — У 20 ёшга тўлган эди. Ўша куни ҳам опа-сингил одатдагидек гап талашиб, жанжаллашиб қолди. Бундай ҳолат улар орасида тез-тез бўлиб турар ва шунинг учун эътибор қилмаган эдим.

17 май куни кўчада писта сотиб ўтирган эдим. Машъум хабарни қўни-қўшнилардан эшитдим-у уйга югурдим. Уйга кирсам... Фарида опасининг беш минг сўм пулини олиб қўйган экан...

Фожеа сабабчиси Нилуфар бу воқеани шундай таърифлайди:

Синглим бузуқ йўлга кириб кетганди. Фарғона шаҳрига кўчиб кетдик. Бироқ Фарида шаҳарда ҳам қишлоқдаги ҳунарини давом эттираверди. Мен отам ва синглимдан ажралиб бошқа жойга кўчиб ўтдим. Бундан фойдаланган Фарида бегона эркакларни ҳам уйга таклиф қила бошлади. Туғилган кунида ҳам уйда бегона кишилар бор эди. Унга айтган насиҳатларим кор қилмади.

17 май куни бозордан 1 килограмм хом писта сотиб олдим. Уни қовуриб олиш керак эди. Синглимдан пистани қовуришга ёрдам сўрадим. У рад жавобини берди. Кейин яна жанжаллашдик. Жаҳл устида телевизор ёнига яшириб қўйган пичоқни олдим-у...

Опа ўз синглиси вужудига икки маротаба пичоқ санчади. Сингил жон талвасасида кўчага қочмоқчи бўлади. Бироқ опа унинг йўлини тўсиб олиб пичоқ санчишни давом эттираверади. Фариданинг дод-войига Нилуфар қулоқ солмайди. Аксинча опа тобора ваҳшийлашиб бораверади...

Суд тиббий экспертизаси хулосасига кўра, Нилуфар ўз синглиси Фариданинг бир неча жойига пичоқ билан оғир тан жароҳати етказади.

— Фарида ақлли-хушли қиз эди, — дейди судда гувоҳ Фотима Алиохунова. — Унинг уйига ҳеч қандай бегона эркаклар кириб келганини кўрмаганман.

Фотима Алиохунованинг фикрини судда гувоҳ сифатида иштирок этган Наталья Липина, Шуҳратхон Эркаева, қолаверса, Назир Одиловнинг ўзи ҳам тасдиқлайди.

— Суд ҳайъати тўпланган далил ва гувоҳларнинг фикрини чуқур ўрганиб чиқди, — дейди жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг судяси Р.Саидаҳмедов. — Нилуфар Одилова Жиноят Кодексининг 97-моддаси 2-қисми "ж" бандида қайд этилган жиноятни содир этганликда айбланиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ҳукм ўқилди. Бироқ бу машъум фожиали воқеа ҳар қандай кишини беэътибор қолдирмайди. Ўз синглисининг жонига қасд қилган қотил опа, қизлар тарбиясига етарли эътибор бермаган ота ҳақида бирор фикр юритиш мушкул...

Арзимаган 5000 сўм пул можароси, оиладаги таълим-тарбиянинг издан чиқиб кетиши мана шундай оғир оқибатларга олиб келди...

Маъмур МУСУРМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодикул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғофур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Холли НОРБОЙ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3143. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Навбатчи: Б. РАЙИМОВ
Саҳифаловчи: Жаъфар ЖАББОРОВ
Компьютер оператори: М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047,
Тошкент шаҳри,
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18
(умумий бўлим),
133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.